

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИК ТҮПЛАМИ

23-сон  
(1147)  
2024 йил  
июнь

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик түплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўtkазилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

## МУНДАРИЖА

### *Биринчи бўлим*

181. «Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 5 июндаги ЎРҚ-931-сон Қонуни

### *Иккинчи бўлим*

182. «Алкоголь ва тамаки маҳсулотлари бозорини тартибга солиш ҳамда уларнинг ноқонуний айланмасининг олдини олиш чора-тадбирларини кучайтириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 3 июндаги ПФ-84-сон Фармони

183. «Бозор ислоҳотларини янада жадаллаштириш ва Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигини Жаҳон савдо ташкилоти битимларига мувофиқлаштириш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 3 июндаги ПФ-85-сон Фармони

184. «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти қошида Алкоголь ва та-маки бозорини тартибга солиш инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 3 июн-даги ПҚ-204-сон қарори
185. «Ўзбекистон Республикасининг «Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида»ги Конуни ижросини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғриси-да» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 июндаги ПҚ-210-сон қарори
186. «Ўзбекистон Республикасида «яшил» иқтисодиётга ўтишда миллӣ шаф-фофлик тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 июндаги ПҚ-213-сон қа-рори

### *Бешинчи бўлим*

187. Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазирининг 2024 йил 6 майдаги 131-сон “Давлат ёнгин назорати органлари фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги ўзгаришиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 3 июнда рўйхатдан ўtkazildi, ro'yxat raqami 3097-8*)
188. O'zbekiston Respublikasi energetika vazirining 2024-yil 16-maydag'i 64-som “Reaktiv quvvat kompensatsiyasi bo'yicha ishlarni tashkil etish tartibi to'g'risidagi nizomga o'zgartirishlar kiritish haqida”gi buyrug'i (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 3-iyunda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 1864-3*)
189. O'zbekiston Respublikasi Qurilish va uy-joy communal xo'jaligi vazirligining 2024-yil 20-maydag'i 5-son hamda Iqtisodiyot va moliya vazirligining 2024-yil 6-maydag'i 119-son “Tuman (shahar) obodonlashtirish boshqarmalari xodimlarining me'yorlangan sonini belgilash to'g'risidagi yo'riqnomani tasdiqlash haqida”gi qarorga o'zgartirishlar kiritish haqida”gi qarori (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 3-iyunda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 1989-3*)
190. Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирининг 2024 йил 16 майдаги 9-сон “Ўзбекистон Республикаси транспорт вазири томонидан қабул қи-линган айрим идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатларга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 4 июнда рўйхатдан ўtkazildi, ro'yxat raqami 3516*)
191. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2024 йил 3 июндаги 10-мҳ-сон “Адвокат стажёри ва ёрдамчисининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи

(Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 4 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3517)

192. O‘zbekiston Respublikasi qishloq xo‘jaligi vazirining 2024-yil 17-maydag‘i 11-son “Qishloq xo‘jalik korxonalarining oila (jamoa) pudratlarida va boshqa ichki xo‘jalik bo‘lmalarida chek daftarchalaridan foydalanish tartibi to‘g‘risidagi nizomni o‘z kuchini yo‘qotgan deb topish haqida”gi buyrug‘i (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 5-iyunda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 985-1*)
193. Ўзбекистон Республикаси истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги директорининг 2024 йил 6 июндаги 5-сон “Қимматли қофозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қофозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”-ги бўйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 7 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2000-10*)
194. O‘zbekiston Respublikasi sog‘liqni saqlash vazirining 2024-yil 29-maydag‘i 15-son “Imtiyozli toifaga kiruvchi shaxslarni elektron axborot tizimi orqali hisobga olish va navbat asosida davolanishga yo‘llash tizimiga o‘tkazilgan davlat tibbiyat muassasalarida Davlat budjeti mablag‘lari hisobidan davolanadigan kasalliklar ro‘yxatiga qo‘srimchalar kiritish to‘g‘risida”gi buyrug‘i (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 7-iyunda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3348-3*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-хуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

## БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ҚОНЕНИ

**181**

**Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида\***

Қонунчилик палатаси томонидан 2022 йил  
25 октябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2023 йил 1 июнда  
маъқулланган

### 1-боб. Умумий қоидалар

#### 1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади ва амал қилиш соҳаси

Ушбу Қонуннинг мақсади манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Ушбу Қонуннинг амал қилиши давлат органларига ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, давлат муассасаларига, давлат унитар корхоналарига, давлат мақсадли жамғармаларига, шунингдек устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз миқдорда ва ундан ортиқ бўлган акциядорлик жамиятларига (бундан бўён матнда давлат органлари ёки бошқа ташкилотлар деб юритилади) нисбатан татбиқ этилади.

Ушбу Қонуннинг амал қилиши:

ўз устав фондида (устав капиталида) давлат органларининг ёки бошқа ташкилотларнинг улуши жами 50 фоиз миқдорда ва ундан ортиқ бўлган юридик шахсларга нисбатан;

ўз устав фондида (устав капиталида) ушбу модда учинчи қисмининг иккинчи хатбоисида кўрсатилган ташкилотларнинг улуши жами 50 фоиз миқдорда ва ундан ортиқ бўлган юридик шахсларга нисбатан факат уларнинг давлат харидлари соҳасидаги муносабатларига татбиқ этилади.

#### 2-модда. Манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги қонунчилик

Манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик хужжатларидан иборатdir.

Жиноят ишлари бўйича судга қадар иш юритишни, шунингдек суд ишини юритиш чоғида юзага келадиган муносабатларни тартибга солувчи қонулларда манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга оид бошқа қоидалар белгиланиши мумкин.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги қонунчилигида на-

\* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 5 июнда эълон қилинган.

зарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

### **3-модда. Асосий тушунчалар**

Ушбу Қонунда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг ходими** — давлат органларида ёки бошқа ташкилотларда меҳнат шартномаси (контракт) асосида ёхуд сайлаб қўйиладиган ёки тайинланадиган лавозимларда меҳнат (хизмат) фаолиятини амалга ошираётган бошқарув ходими;

**манфаатлар тўқнашуви** — шахснинг шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлиги унинг ўз лавозим ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган (мавжуд манфаатлар тўқнашуви) ёки юзага келиши мумкин бўлган (эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви) вазият;

**манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш бўйича маҳсус бўлинма** (бундан бўён матнда маҳсус бўлинма деб юритилади) — давлат органларининг ёки бошқа ташкилотларнинг коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари (ва) ёки кадрлар бўлинмалари;

**шахсий манфаатдорлик** — давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг ходими ёхуд у билан алоқадор шахслар ушбу ходим томонидан бевосита ёки билвосита қарор қабул қилиниши ёки ходимнинг ушбу жараёнда бошқача тарзда иштирок этиши натижасида олиши мумкин бўлган ҳар қандай нафёки афзаллик;

**яқин қариндошлар** — ота-оналар, aka-укалар, опа-сингиллар, ўғиллар, қизлар, эр-хотинлар, шунингдек эр-хотинларнинг ота-оналари, aka-укалари, опа-сингиллари ва фарзандлари.

### **4-модда. Манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишининг асосий принциплари**

Манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишининг асосий принциплари қўйидагилардан иборат:

қонунийлик;

фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ва давлатнинг қонуний манфаатлари устуворлиги;

очиқлик ва шаффоффлик;

холислик;

коррупцияга нисбатан муросасизлик.

### **5-модда. Давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг ходимига алоқадор шахслар**

Қўйидаги шахслар давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг ходимига алоқадор шахслар деб эътироф этилади:

давлат органи ёки бошқа ташкилот ходимининг яқин қариндошлари;

давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг ходими ва (ёки) унинг яқин қариндошлари қайси юридик шахснинг устав фонди (устав капитали) акцияларига ёки улушларига эгалик қилса, ўша юридик шахс;

давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг ходими ёхуд унинг яқин қариндошлари қайси юридик шахсда бошқарув органининг раҳбари ёки аъзоси бўлса, ўша юридик шахс.

**6-модда. Давлат органи ёки бошқа ташкилот ходимининг манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш чоидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Давлат органи ёки бошқа ташкилот ходими манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш чоифида:

махсус бўлинмага маслаҳат сўраб мурожаат этиш;

эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларацияда кўрсатилиши керак бўлган маълумотлардан ташқари қўшимча маълумотларни электрон ёки ёзма шаклда тақдим этиш ҳуқуқига эга.

Давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг ходими:

ўз лавозим мажбуриятларини ёки хизмат ваколатларини вижданан бажариши ва уларнинг бажарилишига таъсир кўрсатадиган ёки таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ўз шахсий манфаатлари билан боғлиқ хар қандай харакатлардан ўзини тийиши;

лавозим мажбуриятларини ёки хизмат ваколатларини бажариш чоифида манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорликка йўл қўймаслиги;

мавжуд манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда, ўз иш юритувидаги хужжатлар бўйича қарор қабул қилингунига қадар ўзининг бевосита раҳбарини (ташкилот раҳбари — юқори турувчи раҳбарни) ёки махсус бўлинмани хабардор қилиши;

ўзининг бевосита бўйсунувидаги ходимларни ёки бошқа ходимларни бевосита ёки билвосита ўзининг шахсий манфаатларини кўзловчи ҳаракатларга (ҳаракатсизликка) мажбуrlамаслиги;

ўзи меҳнат (хизмат) фаолиятини амалга ошираётган давлат органи ёки бошқа ташкилот назорати остидаги ташкилотдан ёки унинг таркибий бўлинмасидан ишга қабул қилиш тўғрисида таклифлар келиб тушганлиги ҳолати ҳақида бир иш куни ичидаги хабар бериши;

бошқа ходимларга нисбатан ўзига маълум бўлган манфаатлар тўқнашуви ҳоллари тўғрисида хабар бериши;

эҳтимолий манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш мақсадида махсус бўлинманинг сўровига қўра маълумотлар тақдим этиши шарт.

Давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг ходими қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқукларга эга бўлиши ва унинг зиммасида бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

**7-модда. Давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг ходимига алоқадор шахсларнинг манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш чоғидаги хуқуқ ва мажбуриятлари**

Давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг ходимига алоқадор шахслар мазкур ходим меҳнат (хизмат) фаолиятини амалга ошираётган давлат органи ёки бошқа ташкилот билан муносабатларга киришганда:

манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш учун маҳсус бўлинмадан бепул маслаҳат олиш;

давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш бўйича ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ёки қарорлари устидан шикоят қилиш хуқуқига эга.

Давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг ходимига алоқадор шахслар мазкур ходим меҳнат (хизмат) фаолиятини амалга ошираётган давлат органи ёки бошқа ташкилот билан муносабатларга киришганда:

шахсий манфаатларини қўзлаб манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслиги;

эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларацияни электрон ёки ёзма шаклда тўлдириши, унга била туриб ёлғон ва нотўғри маълумотларни киритмаслиги шарт.

Давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг ходими билан алоқадор шахслар томонидан эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларацияда била туриб ёлғон ёки нотўғри маълумотлар тақдим этилганлиги ушбу Конунда белгиланган ҳукуқий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин.

**8-модда. Давлат органи ёки бошқа ташкилот ходимининг фаолиятида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш бўйича чекловлар**

Манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш мақсадида давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг ходими:

хизмат мавқеини суистеъмол қилиш орқали шахсий наф олишга;

манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги ахборотни ошкор этиш чоғида маълумотларни яширишга ёхуд била туриб ёлғон ёки нотўғри ахборот тақдим этишга;

бири бошқасига бўйсунувчи ёки бири бошқасининг назоратидаги ташкилотларда ўриндошлик бўйича ишлашга, бундан қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно;

тижорат ташкилотларининг таъсисчиси (акциядори, иштирокчиси) бўлишга, бундан акциядорлик жамиятларининг эркин муомалада бўлган акцияларининг ўн фоизигача эгалик қилиш ҳоллари мустасно;

ўзи меҳнат (хизмат) фаолиятини амалга ошираётган давлат органи ёки бошқа ташкилотнинг назоратида бўлган тадбиркорлик фаолияти субъектиниң акцияларига ёки устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларига эгалик қилишга, шунингдек ушбу тадбиркорлик фаолияти субъектларининг

бошқарув органи аъзоси бўлишга, бундан Ўзбекистон Республикаси қонунларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорларида назарда тутилган ёки бу фаолият қонунчиликка мувофиқ лавозим мажбуриятлари ҳисобланадиган ҳоллар мустасно. Бунда давлат органи ёки бошқа ташкилот назоратида бўлган тадбиркорлик фаолияти субъектларининг акцияларига ёки устав фондидағи (устав капиталидаги) улушларига эгалик қилган ёхуд мазкур тадбиркорлик фаолияти субъектларининг бошқарув органлари аъзоси бўлган шахс мазкур давлат органида ёки бошқа ташкилотда ходим лавозимини эгаллаган ҳолларда, у қонунчиликда белгиланган тартибда ушбу акцияларни ёки улушларни бир ой ичидаги реализация қилиши, бошқарув органларининг аъзолигидан чиқиши керак;

ўзи меҳнат (хизмат) фаолиятини амалга ошираётган давлат органларида ёки бошқа ташкилотларда ўзига тааллуқли бўлган ишларни кўриб чиқишида ёки ўзига алоқадор шахсларга тааллуқли бўлган ишларни кўриб чиқишида вакил сифатида иштирок этишга, агар у қонунчиликка мувофиқ қонуний вакил бўлмаса;

ўзи меҳнат (хизмат) фаолиятини амалга ошираётган ташкилотнинг мол-мулкини сотиб олишда ёки ижарага олишда ўзи иштирок этишга ҳақли эмас.

Давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг ўзи билан меҳнат шартномаси тугатилган ёки хизматдан бўшатилган ходими икки йил ичидаги охирги иш жойида ўзи бевосита ёки билвосита назоратни амалга оширган ташкилотлар ёки уларнинг таркиби бўлинмалари томонидан ишга ушбу ходим меҳнат (хизмат) фаолиятини амалга оширган ташкилотларнинг коррупцияга қарши назорат бўлинмаси вазифасини амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг хуносасига асосан қабул қилинади.

Ушбу модда биринчи қисмининг бешинчи хатбошисида кўрсатилган чеклов факат давлат органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат мақсадли жамғармаларининг ходимларига, давлат муассасаларининг ва давлат унитар корхоналарининг, ўз устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз миқдорда ва ундан ортиқ бўлган акциядорлик жамиятларининг раҳбарларига нисбатан татбиқ этилади.

Ушбу модда биринчи қисмининг саккизинчи хатбошисида кўрсатилган чеклов давлат органи ёки бошқа ташкилотнинг ходимига алоқадор шахсларга нисбатан ҳам қўлланилади.

Ушбу Қонуннинг мақсадларини назарда тутган ҳолда мазкур моддада «назорат» деганда давлат органи ёки бошқа ташкилот ходимининг тегишли ташкилот фаолиятини шахсан ёки ўзининг бўйсунувидаги шахс орқали текшириш ёхуд унга нисбатан қонунчиликда белгиланган ҳар қандай имтиёзларни (преференцияларни) қўллаш ёки уни ҳар қандай жавобгарликка тортиш (жавобгарликка тортиш бўйича ташаббус кўрсатиш) ёхуд унга лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга бошқа ҳужжатларни бериш (хабарномани қабул қилиш) ҳуқуқи тушунилади.

Давлат органлари ёки бошқа ташкилотлар ходими лавозим мажбуриятларининг ёки хизмат ваколатларининг ўзига хос хусусияти ҳисобга олинган

холда, унга нисбатан қонунчиликда белгиланган бошқа чекловлар қўлланилиши мумкин.

**2-боб. Манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ муносабатларни давлат томонидан тартибга солиш**

**9-модда. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиб агентлигининг манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикасининг Коррупцияга қарши курашиб агентлиги манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги маҳсус ваколатли давлат органидир (бундан буён матнда маҳсус ваколатли давлат органи деб юритилади).

Маҳсус ваколатли давлат органи:

манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ ахборотни ва материалларни давлат органларидан ёки бошқа ташкилотлардан сўраб олади ва ўрганади;

давлат органларининг ёки бошқа ташкилотларнинг манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради;

давлат органларининг ёки бошқа ташкилотларнинг манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги фаолиятини, шу жумладан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари асосида ўрганади;

манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ ҳолатлар аниқланганда, битимни бекор қилиш, қарорни ҳамда бошқа хужжатни ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисида давлат органларига ёки бошқа ташкилотларга тақдимнома киритади ёхуд уларни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида судга даъво киритади;

Манфаатлар тўқнашувини хисобга олиш реестрининг, мавжуд манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги хабарноманинг ҳамда эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларациянинг намунавий шаклларини тасдиқлайди;

давлат органлари ёки бошқа ташкилотлар учун манфаатлар тўқнашуви тартибга солиш бўйича услугубий тавсияларни эълон қиласади;

манфаатлар тўқнашуви натижасида фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг манфаатларига етказилган заарнинг ўрни тўлиқ қопланишига эришилиши устидан назоратни амалга оширади;

маҳсус бўлинмалар ходимларининг тизимли равища малакасини оширишни, уларда тегишли кўникмаларни шакллантиришга қаратилган ўқитишни ташкил этади;

маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этмаганлик билан боғлиқ маъмурий ҳукуқбузарлик ҳақида баённомани тузади ва уни кўриб чиқиш учун судга юборади.

Маҳсус ваколатли давлат органи қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**10-модда. Давлат органларининг ёки бошқа ташкилотларнинг манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари**

Давлат органлари ёки бошқа ташкилотлар манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш соҳасида:

ходимлар томонидан мавжуд манфаатлар тўқнашуви тўғрисида хабардор қилиш тизимини ташкил этади;

эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларациянинг ва мавжуд манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги хабарноманинг белгиланган шаклини ўзининг расмий веб-сайтларига жойлаштиради;

манфаатлар тўқнашувига йўл қўйилган холда қабул қилинган қарорларни белгиланган тартибда ўзгартиради ёки бекор қиласди;

манфаатлар тўқнашувига йўл қўйилган холда тузилган битимларни ўзгартиради ёки бекор қиласди ёхуд бундай битимларни ҳақиқий эмас деб тошиш тўғрисида белгиланган тартибда судга даъволовар билан мурожаат этади;

одоб-ахлоқ комиссияларининг ва маҳсус бўлинмаларнинг манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш бўйича фаолиятини ташкил этади;

давлат органларида ёки бошқа ташкилотларда манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш бўйича ички идоравий тартибни белгилайди;

аниқланган манфаатлар тўқнашуви бўйича хизмат текширувининг холосона ташкил этилишини ва унинг натижалари одоб-ахлоқ комиссиялари томонидан кўриб чиқилишини таъминлайди;

манфаатлар тўқнашувининг олдини олишда ўрнак бўлаётган ходимларни рафбатлантириш чораларини кўради;

манфаатлар тўқнашуви натижасида фуқароларга, ташкилотларга, жамиятга ёки давлатга етказилган заарарнинг ўрни қопланишини таъминлаш, шунингдек аҳолининг тегишли давлат органига ёки бошқа ташкилотга бўлган ишончини тиклаш чораларини кўради.

Давлат органлари ёки бошқа ташкилотлар қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**11-модда. Давлат органлари ёки бошқа ташкилотлар одоб-ахлоқ комиссиясининг манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари**

Давлат органи ёки бошқа ташкилот ходими томонидан ушбу Қонун талабларига риоя этилиши устидан назорат ушбу давлат органида ёки бошқа ташкилотда тузилган одоб-ахлоқ комиссияси томонидан амалга оширилади.

Одоб-ахлоқ комиссияси:

давлат органи ёки бошқа ташкилот ходими томонидан ушбу Қонунда белгиланган талабларга риоя этилишини таъминлаш чораларини кўради;

манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш юзасидан кўрилаётган чораларнинг етарлилиги (тўғрилиги) ҳақидаги масалаларни кўриб чиқади;

мавжуд манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ ҳоллар устидан коллегиал назоратни амалга оширади;

ушбу Қонунда белгиланган талабларнинг давлат органи ёки бошқа ташкилот ходимлари томонидан бузилишлари мавжудлиги (мавжуд эмаслиги) тўғрисида хизмат текшируви натижаларига кўра хулоса чиқаради;

манфаатлар тўқнашуви тўғрисида хабар қилмаган, била туриб ёлғон ёки нотўғри ахборот такдим этган ёхуд бундай ахборотни яширган ходимни жавобгарликка тортиш ҳақида давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг раҳбарига таклиф киритади.

Одоб-ахлоқ комиссияси қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

### **12-модда. Махсус бўлинманинг манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари**

Махсус бўлинма:

давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг ходими томонидан аниқланган манфаатлар тўқнашуви ҳоллари тўғрисидаги ахборотни умумлаштиради;

давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг ушбу Қонун талабларини бузган ходимига нисбатан хизмат текширувни ўтказади;

давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг ходимлари ўртасида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш юзасидан қонунчиликка мувофиқ тушунириш ишларини амалга оширади;

эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларацияларни, шунингдек мавжуд манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги хабарномани кўриб чиқади, уларнинг натижаларига кўра одоб-ахлоқ комиссиясига таклифлар киритади;

давлат органи ёки бошқа ташкилот ходимининг манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги хабарлари муносабати билан манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги тўғрисида хулоса беради;

давлат органларида ёки бошқа ташкилотларда аниқланган манфаатлар тўқнашуви ҳолларини таҳлил қиласди ҳамда уларни тартибга солиш бўйича таклифларни ишлаб чиқади;

давлат органларида ёки бошқа ташкилотларда ушбу Қонун талабларига риоя этилиши ҳолати тўғрисидаги ҳар йилги ҳисоботларни тайёрлайди ҳамда ҳисоботлар унинг расмий веб-сайтига жойлаширилишини таъминлайди.

Махсус бўлинма қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

### **3-боб. Манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги ахборотни ошкор этишга ва манфаатлар тўқнашувини аниқлашга доир чоралар**

### **13-модда. Манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги ахборотни ошкор этиш**

Манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги ахборотни ошкор этиш давлат ор-

ганининг ёки бошқа ташкилотнинг ходими томонидан мавжуд манфаатлар тўқнашуви тўғрисида хабарнома ҳамда эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисида декларация тақдим этиш орқали амалга оширилади.

Давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг ходимига алоқадор шахслар томонидан манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги ахборотни ошкор этиш уларнинг эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларацияни тақдим этиши орқали амалга оширилади.

#### **14-модда. Мавжуд манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги хабарнома**

Мавжуд манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги хабарномада қўйидаги маълумотлар кўрсатилиши керак:

мавжуд манфаатлар тўқнашуви тўғрисида хабар берадиган давлат органи ёки бошқа ташкилот ходимининг фамилияси, исми, отасининг исми ва лавозими, шунингдек жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами;

давлат органи ёки бошқа ташкилот ходимининг манфаатлар тўқнашуви юзага келаётган яқин қариндошининг фамилияси, исми, отасининг исми, жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (мавжуд бўлган тақдирда) ёхуд давлат органи ёки бошқа ташкилот ходимига алоқадор шахснинг номи ва солиқ тўловчининг идентификация рақами;

мавжуд манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги ахборот.

Мавжуд манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги хабарнома манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш бўйича кўрилган чораларни ўз ичига олиши, давлат органи ёки бошқа ташкилот ходимининг ва (ёки) унинг бевосита раҳбарининг (айрим холларда, унинг ўринбосарининг) ўз кўли билан қўйилган имзоси ёки электрон рақамли имзоси билан тасдиқланиши керак.

#### **15-модда. Мавжуд манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги хабарномани тақдим этиш тартиби**

Давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг ходими қўйидаги ҳолларда мавжуд манфаатлар тўқнашуви ўзига маълум бўлиб қолган пайтдан эътиборан бир иш куни ичida мавжуд манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги белгиланган шаклдаги хабарномани тўлдириши ва ўзининг бевосита раҳбарига (ташкилот раҳбарига — юқори турувчи раҳбарга) ёки маҳсус бўлинмага тақдим этиши шарт, агар:

яқин қариндошлари бевосита ходимнинг бўйсунувидаги ишга қабул қилинган бўлса (давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг сиёсий гурӯҳига кирувчи лавозимга ишга қабул қилинган ҳоллар бундан мустасно) ёки ходимнинг ишига фуқаролик-хукуқий шартнома асосида ўзига алоқадор шахслар жалб этилган бўлса;

у ўзига алоқадор шахсларга тааллуқли масалалар бўйича қарорлар қабул қилишда иштирок этаётган бўлса;

яқин қариндоши текширув ўтказилаётган обьектда (юридик шахсда) текширув йўналиши бўйича масъул мансабдор шахс сифатида ишлаётган бўлса ёки мазкур текширув обьекти (юридик шахс) унга алоқадор шахс бўлса;

бошқа ҳар қандай мавжуд манфаатлар тўқнашуви ўзига маълум бўлиб қолса.

### **16-модда. Мавжуд манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги хабарномани кўриб чиқиш тартиби**

Давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг раҳбар ходими ҳамда маҳсус бўлинманинг раҳбари манфаатлар тўқнашуви тартибга солиш учун масъул ҳисобланади.

Давлат органлари ёки бошқа ташкилотлар таркибий бўлинмасининг раҳбари мавжуд манфаатлар тўқнашуви тартибга солиш бўйича ўз ваколатлари доирасида кўрилган чоралар тўғрисида маҳсус бўлинмага бир иш куни ичида ахборот тақдим этиши шарт.

Маҳсус бўлинма кўрилган чораларнинг етарлилиги (тўғрилиги) тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш учун ахборотни уч иш куни ичида одоб-ахлок комиссиясига тақдим этади.

### **17-модда. Эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларация**

Эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларацияда қўйидаги маълумотлар кўрсатилиши керак:

давлат органи ёки бошқа ташкилот ходимининг лавозими ҳамда унинг фамилияси, исми, отасининг исми, шунингдек унинг жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами;

давлат органи ёки бошқа ташкилот ходими яқин қариндошларининг фамилияси, исми ва отасининг исми, уларнинг жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (мавжуд бўлган тақдирда), шунингдек иш жойи ва лавозими;

давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг ходими ёки унинг яқин қариндошлари акциядор бўлган акциядорлик жамиятининг расмий номи ва унинг солиқ тўловчининг идентификация рақами;

давлат органи ёки бошқа ташкилот ходимининг яқин қариндоши муасис (иштирокчи), бошқарув органи аъзоси бўлган юридик шахснинг расмий номи, шунингдек унинг солиқ тўловчининг идентификация рақами.

Эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларация уни тўлдириган давлат органи ёки бошқа ташкилот ходимининг ўз қўли билан қўйилган имзоси ёки электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

### **18-модда. Эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларацияни тақдим этиш тартиби**

Давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг ходими шахсга доир маълумотлари ўзгарган тақдирда, эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларацияни тўлдириши ва ҳар йили 15 январдан кечиктирмай маҳсус бўлинмага тақдим этиши керак.

Давлат органига ёки бошқа ташкилотга ишга қабул қилинаётган номзод,

шунингдек бошқа ишга ўтказилган ходим эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги белгиланган шаклдаги декларацияни тўлдириши ва тақдим этиши керак.

**Махсус бўлинма:**

эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги хар йилги декларацияни ҳар йили 15 февралгача умумлаштиради ва таҳлил қиласи;

эҳтимолий манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш бўйича чораларнинг етарлилигини (тўғрилигини) таъминлаш учун ҳар йили 1 марта қадар одоб-ахлоқ комиссиясига таклиф киритади;

одоб-ахлоқ комиссияси томонидан қабул қилинган хуносага асосан эҳтимолий манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш юзасидан чоралар кўриш тўғрисида давлат органи ёки бошқа ташкилот ходимининг бевосита раҳбарига ёхуд давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг юқори турувчи раҳбарига таклиф киритади.

Давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг ходимлигига номзод ишга қабул қилинаётганда ёхуд давлат органи ёки бошқа ташкилот ходими бошқа ишга ўтказилаётганда, эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларацияни тақдим этганидан кейин махсус бўлинма ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ишларни беш кунлик муддатда амалга оширади.

**19-модда. Давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг ходимига алоқадор шахслар томонидан тақдим этиладиган эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларация**

Давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг ходимига алоқадор шахслар томонидан тақдим этиладиган эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларацияда қўйидаги маълумотлар кўрсатилиши керак:

давлат органи ёки бошқа ташкилот ходимига алоқадор шахс ҳисобланган жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, шахсий идентификация рақами ёхуд юридик шахснинг номи ва солиқ тўловчининг идентификация рақами;

давлат органи ёки бошқа ташкилот ходимининг фамилияси, исми ва отасининг исми, лавозими;

давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг ходими билан қариндошлик тўғрисидаги маълумотлар;

юридик шахснинг давлат органи ёки бошқа ташкилот ходимига алоқадорлиги тўғрисидаги маълумотлар.

Эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларация уни тўлдирган жисмоний шахснинг ёки юридик шахс вакилининг (ишончли шахсининг) ўз қўли билан қўйилган имзоси ёки электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

**20-модда. Манфаатлар тўқнашувини аниқлаш**

Манфаатлар тўқнашувини аниқлаш қўйидаги манбалардан олинган маълумотларни ўрганиш орқали амалга оширилади:

ушбу Конуннинг 17-моддасида назарда тутилган эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларациядан;

давлат харидлари жараёнида олинган таклифлардан, харид комиссияси мажлислининг баённомаларидан, тузилган шартномалардан;

жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат органи ёки бошқа ташкилот ходимининг фаолиятидаги мавжуд манфаатлар тўқнашуви ёки эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги мурожаатларидан ёки хабарларидан;

тижорат ташкилотларининг аффилланган шахслари ва якуний наф олувчилари (бенефициарлари) рўйхатларидан;

Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталининг тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш модулидан;

«ФХДЁ Ягона электрон архиви» ахборот тизимидан;

«Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро аппарат-дастурӣ мажмуи-дан;

Қимматли қофозлар марказий депозитарийсидан;

махсус ваколатли давлат органи томонидан ўтказилган ўрганиш натижалари бўйича киритилган тақдимномадан.

Ушбу модда биринчи қисмининг бешинчи — тўққизинчи хатбошиларида кўрсатилган манбалардан маълумотлар олиш маҳсус бўлинма раҳбарининг сўрови бўйича амалга оширилади.

Давлат органи ёки бошқа ташкилот ходимининг оммавий ахборот воситаларига, шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғига жойлаштирилган мавжуд манфаатлар тўқнашуви ёки эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви холатлари улар тўғрисидаги маълумотларни тўплаш ва ўрганиш орқали аниқланади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган маълумотларни ўрганиш маҳсус бўлинма томонидан амалга оширилади.

#### **4-боб. Манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш бўйича кўрилган чораларни кўриб чиқиш ва текшириш**

##### **21-модда. Манфаатлар тўқнашувига оид ҳолларга нисбатан кўриладиган чоралар**

Манфаатлар тўқнашуви ҳолларини тартибга солиш учун уларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қўйидаги чоралардан бири кўрилиши керак:

ўзига нисбатан манфаатлар тўқнашуви юзага келган раҳбарнинг бевосита бўйсунувидаги давлат органи ёки бошқа ташкилот ходими манфаатлар тўқнашуви юзага келмайдиган бошқа раҳбарнинг бўйсунувига ўтказиш;

давлат органи ёки бошқа ташкилот ходими манфаатлар тўқнашуви юзага келиши мумкин бўлган коллегиал орган таркибидан ихтиёрий равишда ўзини ўзи рад этиши орқали ёки мажбуран четлаштириш;

давлат органи ёки бошқа ташкилот ходимининг лавозим мажбуриятлари ёки хизмат ваколатлари доирасини қайта кўриб чиқиш;

давлат органи ёки бошқа ташкилот ходимининг давлат органининг ёки

бошқа ташкилотнинг манфаатлар тўқнашувига олиб келиши мумкин бўлган ахборотидан ва хужжатларидан фойдаланишига чекловлар белгилаш;

давлат органи ёки бошқа ташкилот ходимининг якка тартибда қарорлар қабул қилишга доир ваколатларини қонунчиликка мувофиқ амалга ошириши устидан коллегиал назоратни таъминлаш;

давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг ходимида ўзидағи шахсий манфаатдорликни қонунчиликка мувофиқ бартараф этиши тўғрисида таклифлар тақдим этиш;

ходим томонидан ўзи меҳнат (хизмат) фаолиятини амалга ошираётган давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг манфаатларига зид бўлган шахсий манфаатдорлигидан воз кечиши;

давлат органи ёки бошқа ташкилот ходимининг шахсий манфаатдорлигини бартараф этиш чораларини кўриш мумкин бўлмаган тақдирда, ходимнинг розилиги асосида уни аввалги лавозимига тенг бошқа лавозимга ўтказиш ёки меҳнат шартномасини (контрактни) умумий асосларда бекор қилиш.

Манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш бўйича чоралар давлат органи ёки бошқа ташкилот ходимининг розилиги билан кўрилиши керак.

Давлат органлари ёки бошқа ташкилотлар томонидан манфаатлар тўқнашувини тартибга солишга доир чораларни кўриш чорида бирор-бир шахсларга, гурухларга ёки ташкилотларга афзаллик, устунлик беришга ёхуд давлат органларининг ёки бошқа ташкилотларнинг ходимларини, шунингдек фуқароларни камситишга йўл қўйилмайди.

Давлат органлари ёки бошқа ташкилотлар ўз ходими билан ўзаро келишувга кўра, манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш юзасидан қонунчиликда тақиқланмаган бошқа чораларни ҳам кўриши мумкин.

## **22-модда. Манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ хужжатларнинг маҳфийлигини таъминлаш**

Манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш ва аниқлашда иштирок этадиган ходимларга ишониб топширилган ёхуд уларга касбий, хизмат ёки меҳнат мажбуриятларини бажариши муносабати билан маълум бўлиб қолган шахсларнинг шахсга доир маълумотларини ошкор этишга йўл қўйилмайди.

Давлат органи ёки бошқа ташкилот ходимининг фаолиятидаги манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш чорида шахсга доир маълумотларни муҳофаза қилиш шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.

## **23-модда. Жисмоний ва юридик шахсларнинг манфаатлар тўқнашуви ҳоллари тўғрисидаги мурожаатлари ва хабарларини кўриб чиқиш**

Жисмоний ва юридик шахсларнинг ходимдаги мавжуд ёки эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисида давлат органларига ва бошқа ташкилотларга келиб тушган ҳар бир мурожаати ёки хабари қонунчиликда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилади ҳамда текширилади.

Текшириш давомида аниқланган манфаатлар тўқнашувига йўл қўйилган-

лиги билан боғлиқ ҳоллар тўғрисидаги маълумотлар одоб-аҳлоқ комиссияси томонидан махсус бўлинма тақдим этганидан кейин ўн иш куни ичида кўриб чиқилади.

Одоб-аҳлоқ комиссияси давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг раҳбарига манфаатлар тўқнашувини бартараф этиш бўйича чораларни кўриш ёхуд ходимни тегишли жавобгарликка тортиш тўғрисида таклиф киритади.

#### **24-модда. Манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги ахборотнинг ҳисобини юритиш**

Давлат органлари ёки бошқа ташкилотлар Манфаатлар тўқнашувини ҳисобга олиш реестрини юритади.

Мавжуд ёки эҳтимолий манфаатлар тўқнашувлари Манфаатлар тўқнашувини ҳисобга олиш реестрига қўйидаги асосларга кўра киритилади:

давлат органларига ёки бошқа ташкилотларга ишга қабул қилишда номзод томонидан тақдим этилган декларация асосида мавжуд манфаатлар тўқнашуви аниқланганда;

давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг ходими бошқа ишга ўтказилган тақдирда, ўзида мавжуд манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги ахборотни хабар қилганда;

давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг ходими томонидан тақдим этиладиган эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги ҳар йилги декларация асосида мавжуд манфаатлар тўқнашуви аниқланганда;

мавжуд манфаатлар тўқнашуви тўғрисида хабарнома тақдим этилганда;

эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисида декларация тақдим этилганда;

расмий электрон маълумотлар базалари орқали давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг ходимида манфаатлар тўқнашуви аниқланганда;

келиб тушган мурожаатга ёки хабарга асосан давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг ходимида манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тасдиқланганда;

қонунчиликда белгиланган тартибда ўтказиладиган хизмат ҳамда бошқа турдаги текширувлар натижасида давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг ходимида манфаатлар тўқнашуви аниқланганда.

Манфаатлар тўқнашувини ҳисобга олиш реестрига ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган асослардан ташқари қўйидаги маълумотлар киритилади:

мавжуд ёки эҳтимолий манфаатлар тўқнашувларини тартибга солиш юзасидан кўрилган чоралар тўғрисидаги маълумотлар;

манфаатлар тўқнашувини ошкор этиш чофида била туриб ёлғон ёки нотўғри ахборотни тақдим этган ёхуд бундай ахборотни яширган давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг ходимига нисбатан кўрилган таъсир чоралари тўғрисидаги маълумотлар.

Махсус бўлинма аниқланган манфаатлар тўқнашуви холларининг ҳисоби ўз вақтида ва тўлиқ юритилиши учун жавобгардир.

**25-модда. Манфаатлар тўқнашуви ҳолларини тартибга солиш учун кўрилган чораларни кўриб чиқиш**

Давлат органларининг ёки бошқа ташкилотларнинг одоб-ахлоқ комиссияси мавжуд ёки эҳтимолий манфаатлар тўқнашувлари тўғрисида хар ярим йилда хulosа қабул қиласи ҳамда уларни тартибга солиш бўйича кўрилган чораларнинг етарлигини (тўғрилигини) кўриб чиқади.

Давлат органларининг ёки бошқа ташкилотларнинг одоб-ахлоқ комиссияси аниқланган манфаатлар тўқнашуви ҳолларини маҳсус бўлинма билан биргаликда таҳлил қиласи ва давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг ходимлари ўртасида тушунтириш ишларини олиб боради.

**5-боб. Якунловчи қоидалар**

**26-модда. Манфаатлар тўқнашувига йўл қўйилган ҳолда қарорларни қилиш ёки битимлар тузиш**

Манфаатлар тўқнашувига йўл қўйилган ҳолда қабул қилинган қарорларни қилинган битимлар тузишни суд тартибида хақиқий эмас деб топилади.

Манфаатлар тўқнашувига йўл қўйилган ҳолда қабул қилинган қарорларни қилинганлиги ёки битим тузилганлиги натижасида олинган фойда битим бўйича олинган ҳамма нарсани қайтариб бериш тўғрисида талаб қўйилмаган ҳолда, суд тартибида давлат даромадига ўтказилади. Бунда хақиқий эмас деб топилган бундай битимнинг ижроси билан боғлиқ харажатларнинг ўрни манфаатлар тўқнашувига йўл қўйган шахснинг ҳисобидан қопланади.

Манфаатлар тўқнашувига йўл қўйилган ҳолда қабул қилинган қарорларни қилинганлиги ёки битим тузилганлиги натижасида жисмоний ёки юридик шахсларга, шу жумладан давлат органларига ёки бошқа ташкилотларга етказилган зарар давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг айбдор ходимиридан регресс тартибида ундириб олиниши мумкин.

**27-модда. Давлат органларининг ёки бошқа ташкилотларнинг манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш бўйича қабул қилинган қарорлари устидан шикоят қилиш**

Давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг ходими манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш юзасидан давлат органлари ёки бошқа ташкилотлар томонидан қабул қилинган қарорлар устидан бўйсунув тартибида юкори турувчи ташкилотга, маҳсус ваколатли давлат органига ёки судга шикоят қилишга хақли.

**28-модда. Низоларни ҳал этиш**

Давлат органларининг ёки бошқа ташкилотларнинг фаолиятидаги манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш соҳасида юзага келадиган низолар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

**29-модда. Манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик**

Манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

**30-модда. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш**

1. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015—XII-сонли Конуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 802, 803-моддалар, № 9, 903-модда,

№ 10, 966, 967, 968, 973-моддалар, № 11, 1066-модда; 2022 йил, № 1, 1, 2-моддалар, № 2, 80, 81-моддалар, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 465, 466, 467-моддалар, № 8, 787-модда) қўйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

- 1) **175<sup>8</sup>-модданинг тўртинчи қисмидаги «ва манфаатлар тўқнашуви» деган сўзлар чиқариб ташлансин;**
- 2) қўйидаги мазмундаги **193<sup>4</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«193<sup>4</sup>-модда. Манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги қонунчилик талабларини бажармаслик**

Давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг мансабдор шахси ёки ходими томонидан манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилган манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги ҳақида хабар бермаслик, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такроран содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг мансабдор шахсига маълум бўлиб қолган, манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилган мавжуд ёки эҳтимолий манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш юзасидан чоралар кўрмаслик, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг учинчи қисмida назарда тутилган ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такроран содир этилган бўлса, —

мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

- 3) **245-модданинг биринчи қисми «193<sup>3</sup>» рақамидан кейин «193<sup>4</sup>» рақами билан тўлдирилсин;**
- 4) **245<sup>10</sup>-модданинг биринчи қисмидаги «215<sup>7</sup>-моддасида» деган сўзлар «193<sup>4</sup> ва 215<sup>7</sup>-моддаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.**

2. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 163-I-сонли ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган 256—I-сонли қонунлари билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова, № 11-12; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда,

№ 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда, № 9, 494, 498-моддалар; 2007 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 4, 156, 164-моддалар, № 8, 367-модда, № 9, 416-модда, № 12, 598, 608-моддалар; 2008 йил, № 4, 192-модда, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2010 йил, № 9, 335, 337, 340-моддалар; 2011 йил, № 12/2, 363, 364, 365-моддалар; 2012 йил, № 4, 106, 109-моддалар, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 9, 510-модда, № 12, 773-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда, № 7, 433-модда, № 10, 673-модда; 2019 йил, № 3, 161, 166-моддалар, № 5, 267-модда, № 10, 671-модда, № 12, 880, 886-моддалар; 2020 йил, № 1, 3, 4-моддалар, № 10, 593-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 8, 801-модда, № 10, 968-модда; 2022 йил, № 2, 79-модда, № 3, 217, 218-моддалар, № 4, 3-модда, № 5, 46-модда, № 6, 570, 577-моддалар) қўйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) **114-модда** қўйидаги мазмундаги **учинчи ва тўртинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Манфаатлар тўқнашувига йўл қўйилган ҳолда тузилган битим ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда, ушбу битимни тузиш натижасида олинган фойда битим бўйича олинган ҳамма нарсани қайтариб бериш тўғрисида талаб қўйилмаган ҳолда, суд тартибида давлат даромадига ўтказилади. Бундай битимни ижро этиш билан боғлиқ харажатларнинг ўрни манфаатлар тўқнашувига йўл қўйган шахснинг ҳисобидан қопланади.

Коррупцияга йўл қўйилган ҳолда тузилган битим ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда, бундай битимни тузиш натижасида жисмоний ва юридик шахсларга етказилган заарнинг ўрни айбдор шахслар томонидан суд тартибида қопланади»;

2) **116-модда** қўйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Коррупцияга, шу жумладан манфаатлар тўқнашувига йўл қўйилган ҳолда тузилган битим суд тартибида ҳақиқий эмас деб топилади».

3. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январда қабул қилинган **«Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»**ги ЎРҚ-419-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 1, 1-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда, № 5, 267-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **3-моддасининг тўртинчи хатбошиси** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«манфаатлар тўқнашуви** — шахснинг шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлиги унинг ўз лавозим ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг хукуқлари, қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган (мавжуд манфаатлар тўқнашуви) ёки юзага келиши мумкин бўлган (эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви) вазият».

**31-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш**

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Аддия вазирлиги ва бошқа манбаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**32-модда. Қонунчиликни ушбу Қонунга мувофиқлаштириш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:  
хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирысинг;  
республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-хуқукий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**33-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши**

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан олти ой ўтгач кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 5 июнь,  
ЎРҚ-931-сон

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

#### **182 Алкоголь ва тамаки маҳсулотлари бозорини тартибга солиш ҳамда уларнинг ноқонуний айланмасининг олдини олиш чора-тадбирларини кучайтириш тўғрисида\***

Алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда реализация қилиш соҳасида самарали назорат тизимини жорий этиш, уларнинг ноқонуний айланмасига чек қўйиш, бизнесни юритиш учун соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш, истеъмолчилар ҳукуқларини ҳимоя қилиш мақсадида:

1. Истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш ҳукуқи учун лицензия бериш, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш, шунингдек, уни бекор қилиш ва қайта расмийлаштириш тўғрисида қарор қабул қилиш ваколатига эга бўлган Истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш комиссияси тугатилсин.

2. Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти қошида юридик шахс мақомига эга бўлган Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш инспекцияси (кейинги ўринларда — Инспекция) ташкил этилсин.

Бунда Инспекция бошқарув ходимларининг чекланган сони 30 нафар этиб белгиланади ҳамда ушбу штат бирликлари Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳисобидан сақланадиган штат бирликларини қисқартириш ҳисобига шакллантирилади.

3. Қўйидагилар Инспекциянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва реализация қилиш ҳамда ушбу жараёнлар устидан назоратини таъминлаш бўйича ягона давлат сиёсатини юритишда иштирок этиш;

истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва реализация қилиш соҳасини ривожлантиришга йўналтирилган комплекс дастурларни амалга ошириш;

истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш, шунингдек, алкоголь маҳсулотларининг улгуржи савдоси бўйича фаолиятни лицензиялаш;

давлат стандартлари ва қонун ҳужжатлари талабларига қатъий амал қилган ҳолда истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқаришда техник ва технологик нормаларга риоя этилиши

---

\* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллӣй базаси»да 2024 йил 5 июнда эълон қилинган.

устидан назорат қилиш бўйича ишларни тегишли ваколатли органлар билан биргаликда ташкил қилиш;

истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда уларнинг улгуржи савдоси соҳасида лицензиялаш ва хабардор қилиш тартиб-таомилларига риоя этилишини текшириш ва мониторинг қилиш;

истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда уларнинг айланмаси ҳажмларини мониторинг ва назорат қилиш бўйича замонавий ахборот тизимларини жорий этиш ва ривожлантириш;

алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ноконуний ишлаб чиқариш ва айланмасининг олдини олиш, уларни аниқлаш ва уларга барҳам бериш, бунга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш борасида ваколатли органлар билан ҳамкорликни амалга ошириш;

алкоголь ва тамаки маҳсулотлари учун янги намунадаги акциз маркаларини ишлаб чиқишида қатнашиш ҳамда уларнинг ноконуний ишлаб чиқарилиши ва сотилишига ўйл кўймасликка қаратилган профилактика ва тушунириш ишларини олиб бориш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 3 августдаги ПҚ-260-сон қарорига асосан Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигига хизматлар кўрсатиш агентлигига узумчилик ва виночилик соҳасида давлат сиёсатини юритиш ҳамда соҳани ривожлантиришга йўналтирилган мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вазифаси юклатилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

4. Белгилаб қўйилсинки, 2024 йил 1 октябрдан бошлаб:

а) истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқаришда қўйидаги қўшимча лицензия талаблари жорий этилади:

йиллик лицензия тўловларини, шунингдек, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаш бўйича қонунчиликда белгиланган талабларга риоя қилиш;

алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ва уларнинг савдосида сифат талабларига, шунингдек, акциз маркаларини қўллаш ҳамда идентификация воситалари орқали мажбурий рақамли маркировкалаш тартибларига риоя этиш;

алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнларини мониторинг ва назорат қилиш имконини берувчи видеокузатув воситаларини ўрнатиш.

Ушбу кичик банднинг учинчи ва тўртинчи хатбошиларида кўрсатилган талабларнинг бузилиши лицензия талаблари ва шартларини қўпол равишида бузиш деб ҳисобланади;

б) яширин ишлаб чиқариш, акциз маркасиз, рақамли маркировкасиз ёки сифатсиз алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳолатлари аниқланганда ишлаб чиқариш ускуналари давлат фойдасига ўтказилади;

в) қалбаки акциз маркали, акциз маркасиз, рақамли идентификация воситаси билан маркировкаланмаган, қалбаки маркировка кодлари билан маркировкаланган алкоголь ва тамаки маҳсулотлари назорат қилувчи ор-

ганлар томонидан муомаладан олинади ва ушбу маҳсулотлар билан савдо қилиш хуқуқини берувчи лицензия (рухсат этиш хусусиятига эга хужжат) белгиланган тартибда бекор қилинади;

г) истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотлари улгуржи реализациясига оид шартномалар солик органларида мажбурий ҳисобга қўйилади;

д) ҳар ярим йил якунлари бўйича ароқ, шунингдек, истеъмол этил спиртидан ароқ ва ликёр-ароқ маҳсулотларини ишлаб чиқаришда мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш кўрсаткичи 60 фоиздан кам бўлганда, белгиланган 60 фоизнинг бажарилмаган қисмига акциз солиғи суммасининг 50 фоизи миқдорида молиявий жарима ҳисобланади.

Бунда ҳар ярим йиллик якунлари бўйича мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш кўрсаткичи 60 фоиздан кўп бўлганда ва акциз солиғи тўлиқ тўланган тақдирда, ундирилган молиявий жарима суммалари корхонага қайтариб берилади.

Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Солик қўмитаси, Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги билан биргаликда уч ой муддатда алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан ярим йиллик ишлаб чиқариш режаларини (мавсумийликни инобатга олган ҳолда), ишлаб чиқариш жараёнларидаги маҳсулотлар йўқотишларининг энг юқори миқдорини белгилаш ҳамда ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш кўрсаткичи 60 фоиздан кам бўлган ҳолларда ишлаб чиқарувчига нисбатан таъсиран механизм қўллаш тартибини назарда тутувчи қарор лойиҳасини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсан.

##### 5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

2025 йил 1 январга қадар ишлаб чиқариш қувватларидан ва ишлаб чиқарилган маҳсулотлардан самарали ва мақсадли фойдаланиш ҳамда истеъмол этил спирти ва алкоголь маҳсулотлари қолдиқлари устидан назоратни амалга ошириш мақсадида истеъмол этил спирти ва алкоголь маҳсулотларини (бундан табиий ва кўпикланадиган винолар, пиво ва пиво ичимликлари мустасно) ишлаб чиқарувчи ҳар бир корхонага Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ходимлари бириктирилади;

ишлаб чиқарувчи «Лицензия» ахборот тизими орқали лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш ҳақида хабардор қилинган кундан бошлаб ўн иш куни ичидан Инспекция томонидан Солик қўмитаси билан биргаликда солиқлар ва ўйғимларнинг тўлиқ тўланганилиги ҳамда истеъмол этил спирти ва алкоголь маҳсулотларининг қолдиқлари хатловдан ўтказилади.

Бунда хатлов натижаси бўйича қолдиқда бўлган маҳсулотларнинг белгиланган тартибда сотилишига рухсат этилади ҳамда ишлаб чиқариш жиҳозлари муҳрланади.

##### 6. Белгилансинки:

а) қўйидаги назорат тадбирларига нисбатан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширувлар ўтказишга оид тартиб-таомиллар татбиқ этилмайди:

истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб

чиқариш ҳамда уларнинг реализацияси билан шуғулланувчи субъектлар томонидан лицензия (хабардор қилиш) талабларига риоя этилишини ўрганиш;

ойига минг далдан кўп истеъмол этил спиртини харид қилган антисептик воситалари ва парфюмерия-косметика маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи субъектларда истеъмол этил спиртидан мақсадли фойдаланишини ўрганиш.

Бунда мазкур текширувларга масъул ходимлар тадбиркорлик субъекти томонидан тақдим этилган Текширувларни рўйхатга олиш китобини қонунчилиқда белгиланган тартибда тўлдириши шарт;

б) 2024 йил 1 июлдан бошлаб, Ўзбекистон республика товар-хомашё биржасида истеъмол этил спирти алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар учун катта лотлар, бошқа ишлаб чиқарувчилар (хизмат кўрсатувчилар) учун эса — кичик лотлар орқали сотилади. Бунда:

истеъмол этил спиртини лотлар бўйича савдога қўйиш ҳажмини белгилаш, уларга ўзгартиришлар киритиш ҳамда бир савдо кунида битта харидор томонидан харид қилиш ҳажмига чекловларни белгилаш Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар хуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси (кейинги ўринларда — Рақобат қўмитаси) томонидан амалга оширилади;

истеъмол ва техник этил спирти харид қилишга талабгор ишлаб чиқарувчилар, давлат органлари ва ташкилотлари Ўзбекистон республика товар-хомашё биржасининг ахборот тизимида харид қилиш жараёнларида истеъмол ва техник этил спиртидан фойдаланиш ҳажми ва мақсадлари тўғрисидаги маълумотларни жойлаштиради;

Ўзбекистон республика товар-хомашё биржаси томонидан этил спирти харидлари тўғрисидаги маълумотлар маҳсулот миқдори ва харид мақсади кесимида ахборот тизими орқали онлайн режимда Инспекция ва Солиқ қўмитасига тақдим этиб борилади;

в) 2024 йил 1 сентябрдан бошлаб истеъмол ва техник этил спирти харид қилган ишлаб чиқарувчилар томонидан Ўзбекистон республика товар-хомашё биржасининг ахборот тизимида харид қилиш жараённада жойлаштирилган истеъмол ва техник этил спиртидан фойдаланиш мақсадларидан бошқа мақсадда фойдаланилганлиги аниқланганда, охирги 12 ойда биржа савдоларида харид қилинган истеъмол ва техник этил спирти ҳажмига ҳисобланадиган акциз солиғи суммасининг 2,5 баравари миқдорида солиқ органлари томонидан молиявий жарима қўлланилади.

7. Инспекцияга истеъмол ва техник этил спиртини масофавий онлайн кузатиш (GPS) тизими ўрнатилмаган, электрон ҳисобварак-фактурасиз, товар-транспорт юк хатисиз ҳамда белгиланган талабларга жавоб бермайдиган транспорт воситаларига юклаш ва ташиш ҳолатлари лицензия талабларини бузиш деб баҳоланиб, лицензиянинг амал қилишини 10 кун муддатга тўхтаб туриш ваколати берилсин.

Бунда ушбу бандда назарда тутилган лицензия талаблари бир йил ичидаги тақороран бузилган тақдирда, базавий ҳисоблаш миқдорининг 500 баравари миқдорида молиявий жарима қўлланилади.

8. Рақобат қўмитаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Солиқ қўмитаси би-

лан биргаликда бир ой муддатда биржа савдоларида истеъмол этил спирти харид қилувчиларни тўлиқ хатловдан ўтказсин ҳамда фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 мартағи «Юқори ликвидли ва монопол товарларни сотиш жараёнларига бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-5031-сон қарори талабларига зид бўлган субъектларнинг биржа савдоларида иштирок этиши тақиқлансан.

9. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2024 йил 1 сентябрдан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси худуди орқали тамаки маҳсулотларининг транзити учун қўйидаги талаблар жорий этилади:

товар ишлаб чиқарилган мамлакат сертификати, уни етказиб бериш шартномаси (битими), товарлар бир неча қисмга ажратилиб, транзит йўли билан ташилган тақдирда, уни олиб ўтиш жадвалининг мавжудлиги;

юк олиб ўтувчи томонидан тегишли божхона тўловларининг суммаси Ўзбекистон Республикаси божхона органларининг депозит ҳисобварафига ўтказилганлиги. Бунда кейинчалик товарлар республика ташқарисига олиб чиқилганлиги тасдиқлангандан сўнг тўланган суммалар қайтарилади;

тамаки ташувчи транспорт воситаларининг фактат инспекцион кўрик мажмуалари билан жиҳозланган чегара божхона постлари орқали ўтказилиши;

қабул қилувчи давлатнинг акциз маркаси бўлган тамаки маҳсулотларини республика худудидан транзит олиб ўтишга руҳсат этилиши, бундан акциз маркаси қўлланимайдиган давлатлардан импорт қилиш ёки уларга экспорт қилиш ҳамда қонунчиликка мувофиқ акциз маркаси талаб этилмайдиган ҳолатлар мустасно.

Божхона қўмитаси икки ой муддатда тамаки маҳсулотларининг транзити бўйича божхона тўловлари суммасини божхона органларининг депозит ҳисобварафига ўтказиш ва уни қайtarish тартибини назарда тутувчи қарор лойиҳасини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсан.

10. Инспекция 2024 йил 1 сентябрга қадар янги лицензия талаблари асосида алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун илгари берилган лицензия бўйича лицензия шартномаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритсан.

11. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги:

2024 йил 1 июлга қадар алкоголь маҳсулотлари учун энг кам сотиш нархларини қайта кўриб чиқсан;

2024 йил 1 сентябрдан бошлаб алкоголь маҳсулотларининг улгуржи савдоси учун энг кам сотиш нархларини жорий қилсан.

12. Солик қўмитаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиб департаменти ва «Давлат белгиси» ДУК билан биргаликда 2024 йил 1 августга қадар маркировка тизимини акциз маркалари тизими билан бирлаштириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига аниқ таклифларни киритсан.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим хужжатларига иловага\* мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсан.

\* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

14. Бош прокуратура хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиб департаменти манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик хужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Махкамасига таклифлар киритсин.

15. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари — иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчкоров ҳамда Бош прокурор Н.Т. Йўлдошев белгилансин.

Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 3 июнь,  
ПФ-84-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ**

**183 Бозор ислоҳотларини янада жадаллаштириш ва Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигини Жаҳон савдо ташкилоти битимларига мувофиқлаштириш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида\***

«Ўзбекистон — 2030» стратегиясида кўзда тутилган устувор вазифаларни изчил амалга ошириш, шу жумладан миллий иқтисодиётнинг мавжуд салоҳиятини рўёбга чиқариш, унинг глобал ишлаб чиқариш ва қўшилган қиймат занжирига интеграциясини янада чуқурлаштириш, эркин бозор таъмойилларини амалда татбиқ этишни кенгайтириш ҳамда Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзолигига эришишни жадаллаштириш мақсадида:

1. Конунчилик билан тақдим этилган қўйидаги маҳсус (эксклюзив) хукуқлар бекор қилинсин:

а) 2025 йил 1 январдан бошлаб:

«Ўзметкомбинат» АЖнинг республика худудида қора металл ломи ва чиқиндиларини тайёрлаш (харид қилиш) хукуқи;

«Ўзиккиласиранглиметалл» АЖнинг республика худудида рангли металл ломи ва чиқиндиларини тайёрлаш ва экспорт қилиш хукуқи;

«Ўзтрейд» АЖнинг консигнация шартларида озиқ-овқат уни ва буғдойни, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, дехқон ва фермер хўжаликлари маҳсулотларини банк кафолатлари ёки сиёсий ва тижорат хавфларидан экспорт шартномаларини суғурталаш полисларини тақдим этмасдан экспорт қилинадиган маҳсулотларни савдо уйлари манзиларига тушириш хукуқи;

«Ўзкимёимпекс» МЧЖнинг «Ўзкимёсаноат» АЖ ташкилотлари кимёвий маҳсулотлари экспорти ҳамда уларнинг ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун ускуналар, эҳтиёт қисмлар, бутловчи буюмлар, хомашё ва материаллар импортини амалга оширишдаги ягона агент хукуқи;

б) 2026 йил 1 июлдан бошлаб:

«UzGasTrade» АЖнинг табиий газни ягона экспорт қилувчи ва импорт орқали ташқи манбалардан марказлашган тартибда харид қилиш бўйича ягона оператор сифатидаги хукуқи;

«Ўзэнергосотиш» АЖнинг электр энергиясининг экспорти ва импортини марказлашган тартибда амалга ошириш хукуқи.

2. Белгилансинки, 2025 йил 1 январдан бошлаб:

қора ва рангли металл ломи ва чиқиндиларини тайёрлаш (харид қилиш), қайта ишлаш ва реализация қилиш, шунингдек, табиий газ ва электр энергиясининг улгуржи ва чакана савдо фаолиятларини лицензиялаш тартиби жорий этилади;

мобиль ва (ёки) симли телекоммуникация тармоқларига эга Ўзбекистон Республикаси худудида фаолият юритадиган телекоммуникация оператор-

\* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 4 июня қилинган.

ларига тезкор-қидируг фаолияти, ахборот ва киберхавфсизлик тизимлари талабларига тўлиқ риоя қилган ҳолда синов тариқасида халқаро интернет тармоқларига ўз тижорат эҳтиёжлари учун тўғридан-тўғри уланиш хукуки берилади.

Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳамда Энергетика вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда 2024 йил 1 сентябрга қадар қора ва рангли металл ломи ва чиқндилигини тайёрлаш (харид қилиш), қайта ишлаш ва реализация қилиш, шунингдек, табиий газ ва электр энергиясининг улгуржи ва чакана савдоси тартибни назарда тутувчи норматив-хукукий хужжатлар лойиҳаларини Вазирлар Маҳкамасига киритсан.

Рақамли технологиялар вазирлиги 2024 йил 1 октябрга қадар ахборот ва миллий хавфсизликнинг тўлиқ таъминланишини назарда тутган ҳолда телекоммуникация операторларининг синов тариқасида халқаро Интернет тармоқларига ўз тижорат эҳтиёжлари учун тўғридан-тўғри уланиши ва босқичма-босқич бошқа операторларга халқаро интернет каналларини ташкил этиш бўйича хизматларни кўрсатиш тартибини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсан.

3. 2026 йил 1 январдан бошлаб биржа савдоларида сотиб олинган мис катоди ва мис катанкасини экспорт қилишга чекловлар бекор қилинсин. Бунда мис катоди ва мис катанкаси экспорти қўйидаги шартлар асосида амалга оширилиши белгилансин:

экспортга йўналтириш мақсадида биржа савдоларида харид қилинган мис катоди ва мис катанкаси харид нархига белгилangan чегирма ҳамда хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан тўловни кечикириб тўлаш имтиёзи қўлланмайди;

мис катоди ва мис катанкасини «экспорт» божхона режимига жойлаштириш учун унинг экспортга йўналтирилган ҳажмига нисбатан биржа савдолари харид нархига қўлланган чегирма суммаси қайтарилганлиги ҳамда тўловнинг кечикирилган қисми тўлиқ тўланганлиги тўғрисида Ўзбекистон республика товар-хомашё биржасининг маълумотномаси тақдим этилиши шарт.

4. Транспорт вазирлиги ҳамда «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда 2024 йил 1 сентябрга қадар қўйидагиларни назарда тутувчи қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсан:

2024 йил 1 октябрдан бошлаб босқичма-босқич 2025 йил 1 апрелгача республика ҳудудида темир йўл транспортида юк ташишда тақдим этилаётган чегирмалар бериш амалиётини бекор қилиш;

темир йўл орқали юкларни ташишда экспорт ва импорт ташиш хизматлари учун тарифларни 2030 йилгacha босқичма-босқич бирхиллаштириш.

5. 2026 йил 1 июлдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги Конуни билан тартибга солинадиган корпоратив буюртмачилар томонидан амалга ошириладиган харидларда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга тақдим этилган имтиёзлар ва преференциялар, шу жумладан, маҳаллий ишлаб чиқарилган товарларга нисбатан импорт товарларининг

DDP (Ўзбекистон) нархидан 15 фоиздан кўп бўлмаган миқдордаги преференция ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарилган электротехника ва электромаший маҳсулотларга нисбатан 20 фоизгача нарх преференцияси бекор қилинсин.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2024 йил 1 ноябрга қадар ушбу банддан келиб чиқиб, тегишли қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсан.

6. Белгилансинки, давлат харидларини амалга оширишда соғлом рақобат муҳитини таъминлаш мақсадида 2025 йил 1 январдан бошлаб:

бюджет буюртмачилари томонидан, шу жумладан, бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан тузиладиган шартномалар бўйича тўловлар тегишли тартибда ғазначилик хизмати бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилгандан (ҳисобга олингандан) сўнг амалга оширилади;

давлат буюртмачилари бўлган давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари зиммасига давлат харидларини амалга оширишда соҳага оид қонунчилик хужжатларига қатъий риоя этилиши, шунингдек, давлат харидларининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш учун шахсий жавобгарлик юкланади;

белгиланган тартибда тасдиқланган лойиҳа хужжатлари (ишчи лойиҳа, иш хужжатлари, лойиҳа-смета хужжатлари) мавжуд бўлмаганда ёки лойиҳа хужжатларини тайёрлаш қурилиш-монтаж ишлари билан параллел равишда олиб борилганда, консолидациялашган бюджет маблағлари ва бошқа марказлашган манбалар, шунингдек, давлат банклари ва давлат иштирокидаги корхоналар ҳисобидан харажатларни амалга ошириш ва ишларни бажариш тақиқланади.

7. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда этил спирти импорти операцияларини Жаҳон савдо ташкилоти битимлари қоидалари асосида тартибга солиш юзасидан 2024 йил 1 сентябрга қадар Вазирлар Маҳкамасига таклифларни киритсан.

8. Миллий қонунчиликни Жаҳон савдо ташкилотининг Субсидиялар ва компенсация чоралари тўғрисидаги битимиға (ASCM) мувофиқлаштириш мақсадида 2024 йил 1 октябрга қадар:

Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда экспортни қўллаб-қувватлаш мақсадида тақдим этилаётган субсидия ва преференцияларни, шу жумладан, товарларни (хизматларни) экспортга реализация қилишдан олинган даромадлар бўйича фойда солиғи, айланмадан олинадиган солиқ, транспорт харажатларини қисман қоплаб беришга оид имтиёзларни 2025 йил 1 январдан бекор қилишни, шунингдек ЖСТ қоидалари билан тақиқланмаган қўллаб-қувватлаш чораларини;

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳамда Солиқ қўмитаси билан биргаликда самараси паст бўлган солиқ ва божхона имтиёзларини 2025 йил 1 январдан бекор қилишни назарда тутивчи тегишли норматив-хукуқий хужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсан.

9. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилинадиган ва ишлаб чиқариладиган акциз солиғи тўланадиган товарлар учун акциз солиғи ставкаларини қўйидаги энг охирги муддатларгача босқич-ма-босқич бирхиллаштиурсин:

2026 йил 1 январь — тамаки маҳсулотлари учун;

2027 йил 1 январь — алкоголь маҳсулотлари ва шакар учун.

10. Миллий қонунчиликни Жаҳон савдо ташкилотининг Савдо билан боғлиқ инвестиция чоралари тўғрисидаги битимига (TRIMs), шу жумладан, маҳаллийлаштириш ёки экспорт қилиш бўйича мажбуриятларни қўлламаслик талабларига мувофиқлаштириш мақсадида 2024 йил 1 августга қадар:

Энергетика вазирлиги Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Адлия вазирлиги билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси томонидан имзоланган барча маҳсулот тақсимотига оид битимларнинг тўлиқ хатловини;

Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги Адлия вазирлиги, Энергетика вазирлиги, «Ўзбекнефтгаз» АЖ ҳамда «Ўзавтосаноат» АЖ билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан имзоланган барча инвестиция битимлари хатловини якунинг етказсин ва уларнинг якунлари бўйича аниқ таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси га киритсан.

11. Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган божхона божи, йиғимлари ва қийматини Жаҳон савдо ташкилотининг Тарифлар ва савдо бўйича бош битими (GATT 1994) талабларига мувофиқлаштириш мақсадида:

2025 йил 1 январдан бошлаб жорий этиладиган божхона йиғимларининг фискал мақсадларда ундирилмаслиги белгилансин;

Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда айрим турдаги товарларни экспорт қилишда ундирилдиган йиғимларни қайта кўриб чиқиб, 2024 йил 1 августга қадар тегишли таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсан;

Божхона қўмитаси 2024 йил 1 августга қадар божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларнинг божхона қийматини аниқлаш бўйича норматив-ҳукуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсан.

12. Жаҳон савдо ташкилоти билан ишлаш бўйича идоралараро комиссия (Ж. Ходжаев) 2024 йил 1 августга қадар:

савдо-иктисодий муносабатларда энг кўп қуляйлик бериш режими (MFN) назарда тутилмаган мамлакатлarda ишлаб чиқарилган ёхуд ишлаб чиқарилган мамлакати аниқланмаган товарларга нисбатан божхона божларини қўллаш бўйича амалдаги қонунчиликни қайта кўриб чиқиб, унинг самарадорлигини ошириш юзасидан таклифларни;

импорт божхона божлари ставкаларининг қўлланилиши самарадорлиги ошириш ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида амалдаги божхона тарифларини Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият товар но-

менклатурасининг 2022 йилги таҳририга мувофиқлаштириш бўйича қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсан.

13. Жаҳон савдо ташкилоти билан ишлаш бўйича идоралараро комиссиянинг Жаҳон савдо ташкилотининг Санитария ва фитосанитария чоралари тўғрисидаги битими (SPS Agreement) талабларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси марказий аппаратида З та штат бирлигидан иборат санитария ва фитосанитария чоралари бўйича Ахборот марказини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Бунда Ахборот марказига 2 та штат бирлиги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ҳамда Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигининг биттадан штат бирлигини мақбуллаштириш ҳисобига ажратилиши белгилансин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 1-иловага\* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсан.

15. 2025 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатлари 2-иловага\* мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан.

16. Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсан.

17. Бош вазир ўринбосарлари Ж.А. Ходжаев ва Ж.А. Кўчқоров:  
мазкур Фармон ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб белгилансин;

ҳар ой якуни билан амалга оширилаётган ишларни Жаҳон савдо ташкилоти билан ишлаш бўйича идоралараро комиссия йиғилишларида биргаликда мухокама қилиб борсин.

18. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 3 июнь,  
ПФ-85-сон

\* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**184 Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурида-  
ги Иқтисодий жиноялтарга қарши курашиш департамен-  
ти қошида Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш инспекция-  
си фаолиятини ташкил этиш тўғрисида\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 3 июндаги «Алкоголь ва тамаки маҳсулотлари бозорини тартибга солиш ҳамда уларнинг ноқонуний айланмасининг олдини олиш чора-тадбирларини кучайтириш тўғрисида»ги ПФ-84-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноялтарга қарши курашиш департаменти қошидаги Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш инспекциясининг (кейинги ўринларда — Инспекция) тузилмаси 1-иловага\*\* мувофиқ тасдиқлансан.

Бош прокурорга, зарур ҳолларда, Инспекциянинг тузилмасига бошқарув ходимларининг белгиланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартиришлар киритиш хукуки берилсан.

**2. Белгилансинки:**

Инспекция фаолияти республика бюджети ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади;

Инспекция бошлиғи мақоми, меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари, тибий ва транспорт хизмати кўрсатиш шароитлари бўйича Бош прокуратура ҳузуридағи Иқтисодий жиноялтарга қарши курашиш департаменти (кейинги ўринларда — Департамент) бошлиғи ўринбосарига тенглаштирилади;

Инспекцияга Бош прокурор ўринбосари — Департамент бошлигининг тақдимномасига асосан Бош прокурор томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод қилинадиган бошлиқ раҳбарлик қиласи;

Инспекция Бош прокурорга ҳамда Бош прокурор ўринбосари — Департамент бошлиғига бўйсунув ва ҳисобдорлик асосида фаолият кўрсатади;

Инспекция юридик шахс ҳисобланади, мустақил балансга, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Фазначилик хизмати қўмитасида шахсий ғазна ҳисобваражларига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга ва бланкаларга эга бўлади;

Инспекция ходимлари Инспекция бошлигининг тақдимномасига асосан Бош прокурор ўринбосари — Департамент бошлиғи томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

прокуратура органлари ходимлари хизматда қолдирилган ҳолда Инспекцияда лавозимга тайинланиши мумкин. Бунда лавозимга тайинланган ходимнинг фаолият даври навбатдаги даражали унвон бериш, кўп йиллик хизмати учун устама ҳақ тўлаш, маошини белгилаш, пуллик таъминот ва пенсия тайинлаш хукуқини бериш учун прокуратура органларидағи хизмат стажига қўшиб ҳисобланади.

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллӣй базаси»да 2024 йил 5 июнда эълон қилинган.

\*\* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллӣй базаси»да эълон қилинган.

Белгилансинки, Инспекцияда хизматни ўташ тартиби Бош прокурор томонидан белгиланади. Бунда ходимларни лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод этишда Департамент органларига хизматга қабул қилиш ва хизматдан бўшатиш талаблари ва шартлари татбик этилади.

3. Инспекциянинг юридик шахс ташкил этмаган ҳолда бюджетдан ташқари жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) ташкил этилсин.

4. Белгилаб қўйилсанки:

а) қўйидагилар Жамғармани шакллантириш манбалари ҳисобланади:

алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ноқонуний ишлаб чиқарганлик ёки истеъмол этил спирти ҳамда алкоголь маҳсулотларининг ноқонуний айланмаси учун ундириладиган жарима суммасининг 50 фоизи;

истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш, улгуржи ва чакана савдо йўналишида лицензиялаш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари соҳасидаги хуқуқбузарликлар учун юридик шахсларга солинадиган жарималар;

истеъмол ва техник этил спиртидан мақсадсиз фойдаланилганлик учун ундириладиган молиявий жарима суммасининг 20 фоизи;

истеъмол ва техник этил спиртини транспорт воситаларида ташиш бўйича лицензия талабларини бузганлик учун ундириладиган молиявий жарима суммасининг 50 фоизи;

тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш хукуқига лицензия берганлик учун давлат божи, шунингдек, истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқаришга, алкоголь маҳсулотларининг улгуржи савдосини амалга оширишга лицензиялар бериш учун тўланадиган йиғимлар ва йиллик лицензия тўловлари;

халкаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг кредитлари (қарзлари) ва грантлари;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар;

б) Жамғарма маблағлари қўйидагиларга йўналтирилади:

Инспекциянинг самарали фаолиятини таъминлаш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш;

ходимларни моддий рафбатлантириш ва уларга қўшимча ҳақ тўлаш;

алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнларини мониторинг ва назорат қилиш имконини берувчи видеокузатув воситаларини ўрнатиш билан боғлиқ харажатлар;

алкоголь ва тамаки бозори ҳолатини таҳлил қилишга соҳада амалий иш тажрибага эга бўлган маҳаллий ва (ёки) хорижий мутахассисларни жалб қилиш ҳамда тадқиқотлар ўтказиш;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тадбирлар.

5. Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш инспекцияси ходимларини моддий қўллаб-қувватлаш чоралари 2-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

6. Департамент икки ой муддатда:

а) Инспекциянинг юқори малакали кадрлар билан, биринчи навбатда, алкоголь ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва реализация қилиш

\* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

соҳасида амалий иш тажрибасига эга ва Инспекция зиммасига юклатилган вазифаларни професионал даражада бажаришга қодир шахслар орасидан тўлдирилишини;

б) Инспекция ходимлари самарали фаолият кўрсатиши учун мебель, компьютер техникаси, алоқа воситалари ва бошқа жиҳозлар билан таъминласин.

Бунда ушбу кичик банднинг биринчи хатбошисида назарда тутилган харжатлар Виночиликни ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади;

в) қўйидагиларни тасдиқлашни назарда тутувчи қарор лойиҳасини Вазирлар Мажкамасига киритсин:

Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш инспекцияси тўғрисидаги низом;

Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш инспекциясининг бюджетдан ташқари жамғармаси тўғрисидаги низом;

истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ва уларнинг айланмасини назорат қилиш бўйича хавфни таҳлил этиш автоматлаштирилган тизимини жорий этиш тартиби тўғрисидаги низом.

7. Департамент Рақамили технологиялар вазирлиги билан биргаликда 2025 йил 1 январга қадар қўйидаги ахборот тизимлари (кейинги ўринларда — ҳисобга олиш ахборот тизими) амалда жорий этилишини таъминласин:

истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларнинг айланмаси ҳажмини ҳисобга олиш ахборот тизими;

истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ва уларнинг айланмасини назорат қилиш бўйича хавфни таҳлил қилиш тизими;

истеъмол ва техник этил спирти ташувчи автотранспорт воситалари характеристини марказлаштирилган тарзда мониторинг ва назорат қилиш имкониятига эга геоахборот тизими.

Бунда:

ҳисобга олиш ахборот тизимлари «Янги технологиялар» илмий-ахборот маркази» давлат корхонаси томонидан ишлаб чиқилади;

2025 йил 1 январга қадар ҳисобга олиш ахборот тизимлари ўзаро ахборот алмашинувини ўйлга қўйиш учун Солик қўмитаси, Божхона қўмитаси, Кадастр агентлиги, «Ўзбекистон республика товар-хомашё биржаси» АЖ, «Asl belgisi» маҳсулотларни маркировкалаш ва кузатиб бориш миллий ахборот тизими (кейинги ўринларда — «Asl belgisi» ахборот тизими) ҳамда бошқа манфаатдор идораларнинг ахборот тизимлари билан интеграция қилинади.

Ушбу ахборот тизимларини ишлаб чиқиш ҳамда тизим ишлаши учун зарур инфратузилмани яратиш бўйича ишларни молиялаштириш Инспекциянинг бюджетдан ташқари жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

8. Департамент:

Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги билан биргага

ликда 2025 йил 1 январга қадар истеъмол ва техник этил спирти ҳамда алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарида реализация қилинган этил спирти ҳамда ишлаб чиқарилган алкоголь маҳсулотлари миқдорининг онлайн ҳисобини юритадиган электрон ҳисоблагичларга мувофиқлик сертификатини бериш ҳамда ўлчов ускуналарининг ҳисобга олиш ахборот тизимига интеграция қилинишини таъминласин. Бунда ҳисобга олиш ахборот тизими билан интеграция қилинмаган ва ахборот (маълумот) берилиши таъминланмаган тақдирда, истеъмол ва техник этил спирти ҳамда алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун берилган лицензия бекор қилинади;

2024 йил 1 августга қадар истеъмол ва техник этил спирти ҳамда алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқариш нормаларини қайта кўриб чиқиш орқали халқаро талабларга мувофиқлаштиурсин;

икки ой муддатда истеъмол ва техник этил спирти ҳамда алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқариш, идишларга қўйиш, сақлаш ва улгуржи сотишни ҳисобга олиш ҳамда назорат қилишга доир янги таҳрирдаги низом лойиҳасини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсан;

уч ой муддатда Ички ишлар вазирлиги, Солик қўмитаси, Божхона қўмитаси билан биргаликда истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда савдо субъектлари томонидан қонун талабларини бузиш ҳолатларини ҳамкорликда аниқлаш ҳамда ўзаро ахборот алмashiш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

9. Солик қўмитаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда 2024 йил 1 июлга қадар ўз эҳтиёжларида техник спиртни олиш учун сарфланган этил спиртининг бошланғич фракциясига акциз солиғини ҳисоблашни такомиллаштириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсан.

#### 10. Солик қўмитаси:

а) Рақамли технологиялар вазирлиги, «Asl belgisi» ахборот тизими оператори билан биргаликда икки ой муддатда:

«Asl belgisi» ахборот тизими маълумотлари асосида рақамли маркировкаланган маҳсулотларни тизимга киритиш, уларнинг ҳаракатини автоматлаштирилган тарзда таҳлил ва назорат қилиш имконини берувчи дастурий маҳсулотни ишлаб чиқсин;

қўйидагиларни назарда тутган ҳолда «Asl belgisi» ахборот тизимини тақомиллаштиурсин:

ишлаб чиқарилган ва реализация қилинган рақамли маркировкаланган маҳсулотларнинг ҳисобини тўғри юритиш ҳамда маҳсулотлар ҳаракати занжирини ахборот тизимида тўлиқ ва ҳаққоний акс эттириш;

маҳсулотлар ҳаракати занжирини ахборот тизимида тўлиқ ва ҳаққоний акс эттириш максадида рақамли маркировкаланган маҳсулотлар айланмаси иштирокчиларининг аниқ фаолият манзили, шу жумладан, маҳсулотларни ишлаб чиқариш, сақлаш ва реализация қилиш манзиллари ҳисобини тўғри юритиш;

шубҳали ҳолатларни аниқлаш ва бундай маълумотларни солик органлалига автоматлаштирилган тарзда тақдим этиш;

б) Рақамли технологиялар вазирлиги, Адлия вазирлиги билан биргалик-

да уч ой муддатда лицензия (рухсат этиш, хабарнома хужжати), рақамли маркировка кодларини тўғри ўқишини ва аниқлашни таъминловчи маҳсус қурилмалар мавжудлиги, «Asl belgisi» ахборот тизимида рўйхатдан ўтганлиги ҳамда рақамли маркировка кодлари тўғри акс эттирилишини электрон ҳисобварак-фактурада автоматик текшириш тизимини жорий этсин.

11. Статистика агентлиги Инспекцияни статистик ахборот мажбурий тарқатиладиган реестрга киритсин, шунингдек, белгиланган тартибда доимий асосда Инспекция сўровларига мувофиқ, уни зарур қўшимча статистик ахборот билан таъминласин.

12. Белгилансинки, Инспекцияни сақлаш ва ахборот тизимини яратиш билан боғлиқ харажатлар жорий йилда Виночиликни ривожлантириш жамғармасининг 2024 йил бошига қолдиқ маблағларининг 25 миллиард сўм миқдоридаги қисми ҳисобидан молиялаштирилади, 2025 йилдан бошлаб эса тегишли йил учун Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда назарда тутилади.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги бир ҳафта муддатда Виночиликни ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан 25 миллиард сўм маблағ Инспекциянинг бюджетдан ташқари жамғармасига ўтказилишини таъминласин.

13. Инспекция Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Тараққиёт 1-берк кўчаси, 8-уй манзилидаги бинога бепул фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

14. Ички ишлар вазирлиги, Солик қўмитаси, Божхона қўмитаси, Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси Инспекция зиммасига юклатилган вазифаларни амалга оширишда унга ҳар томонлама кўмаклашсин.

15. Департамент манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош прокурор Н.Т. Йўлдошев белгилансин.

Қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 3 июнь,  
ПҚ-204-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**185 Ўзбекистон Республикасининг «Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида»ги Қонуни ижросини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Ўзбекистон Республикасининг «Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида»ги Қонуни ижросини самарали ташкил этиш, ушбу Қонун билан белгиланган талабларни давлат органлари ва ташкилотларида жорий этишда ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш, шунингдек, манфаатлар тўқнашувининг олдини олишга оид ҳуқуқий тартиботларнинг мазмун-моҳиятини давлат органлари ва ташкилотлари ходимлари ва кенг жамоатчиликка тушунтириш орқали мазкур Қонунни амалга киритишга ҳар томонлама ва пухта тайёргарлик кўриш мақсадида:

1. Давлат органлари ва ташкилотларида манфаатлар тўқнашувини аниқлаш, олдини олиш ва бу борада самарали назорат тизимини ўрнатишга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг «Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида»ги Қонуни (кейинги ўринларда — Қонун) қабул қилинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Белгилансинки, Қонун билан ўрнатилган талаблар ва механизmlарни давлат органлари ва ташкилотларида самарали жорий этиш, бу жараёнда ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини таъминлаш ҳамда улар учун зарур тушунтириш ишларини олиб бориш давлат органлари ва ташкилотларининг биринчи раҳбарлари зиммасига юклатилади.

2. Ўзбекистон Республикасининг «Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида»ги Қонуни ижросини ташкил этиш ишларини мувофиқлаштириш бўйича республика идоралараро комиссияси (кейинги ўринларда — Республика идоралараро комиссияси) 1-иловага\*\* мувофиқ таркибда тасдиқлансан.

Қўйидагилар Республика идоралараро комиссиясининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

давлат органлари ва ташкилотларида манфаатлар тўқнашувини аниқлаш механизmlарини самарали жорий этиш имкониятларини таҳлил қилиш;

давлат органлари ва ташкилотларида манфаатлар тўқнашувига сабаб бўлувчи ҳолатларни ўрганиш, уларни бартараф этиш бўйича қонунчиликка мувофиқ бўлган чораларнинг кўрилишида ягона амалиётни шакллантириш;

давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимлари, савдо платформалари ва бошқа дастурий таъминотлари Қонун билан белгиланган талабларга мувофиқ такомиллаштирилишини таъминлаш;

коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органларининг манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини аниқлаш ва бартараф этиш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда ҳамкорлигини ривожлантириш чораларини кўриш;

\* Ушбу карор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 6 июнда эълон қилинган.

\*\* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

жамиятда манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уни бартараф этиш бўйича ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга доир чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилишини ташкил этиш.

Белгилансинки, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва Адлия вазирлиги Республика идоралараро комиссиясининг ишчи органлари хисобланади.

3. Республика идоралараро комиссияси (А. Арипов):

а) 2024 йил 1 июлга қадар Қонун татбиқ этиладиган давлат органлари ва ташкилотларининг аниқ рўйхати (кейинги ўринларда — рўйхат) шакллантирилишини таъминласин;

б) Қонун кучга киргунига қадар унда белгиланган талаблар ва механизmlарнинг амалиётда ишлаши билан боғлиқ масалалар рўйхатдаги давлат органлари ва ташкилотларида тегишли ишчи гурухларни тузган ҳолда ўрганилишини ташкил этсин.

Бунда қўйидагиларга алоҳида эътибор қаратилсин:

давлат органлари ва ташкилотларида манфаатлар тўқнашувига олиб келиши мумкин бўлган ҳолатларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш чораларини кўриш;

давлат органлари ва ташкилотлари ходимлари томонидан уларнинг фаолиятида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш бўйича чекловларга риоя этилишини ўрганиш, жумладан ўриндошлик асосида ишлаш, тадбиркорлик фаолиятида иштирок этиш каби ҳолатларни аниқлаш;

давлат органлари ва ташкилотларида коррупцияга қарши курашиш ишлари самарадорлигини баҳолаш учун жорий этилган «E-anticor.uz» платформасидаги манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ маълумотларни таҳлил килиш;

давлат органлари ва ташкилотларида коррупцияга қарши курашиш ишлари самарадорлигини баҳолаш учун жорий этилган «E-anticor.uz» платформасидаги манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ маълумотларни таҳлил килиш;

в) Қонун кучга кирганидан кейин:

хар чоракда Республика идоралараро комиссиясининг ишчи органлари томонидан давлат органлари ва ташкилотлари кесимида манфаатлар тўқнашувига йўл қўйилган ҳолатлар таҳлил қилинишини, бундай ҳолатлар кўпайган давлат органлари ва ташкилотларига кечиктириб бўлмайдиган чораларни белгилаш учун тегишли тақдимномалар киритилишини;

хар ярим йилда манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш, шунингдек, бундай ҳолатларнинг олдини олиш бўйича қўрилаётган чоралар Республика идоралараро комиссияси йиғилишларида тегишли давлат органлари ва ташкилотларининг биринчи раҳбарлари иштиrokerida танқидий муҳокама қилиб борилишини таъминласин.

4. Давлат органлари ва ташкилотларида манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини аниқлаш учун шароит яратиш мақсадида Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (А. Бурханов) Рақамли технологиялар вазирлиги (Ш. Шерматов) ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда 2024 йил якунига қадар:

«E-anticor.uz» электрон платформасида манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ ҳолатларни аниқлаш ва онлайн мониторинг қилиш имконини берувчи электрон модул ишга туширилишини;

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Солик қўмитаси, Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг тегишли ахборот тизимларини «Электрон ҳукумат» тизимининг Идоралараро интеграциялашув платформаси билан интеграция қилинишини таъминласин.

Бунда қўйидаги вазиятларда Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг ташаббусига ёки давлат органлари ва ташкилотларининг онлайн сўрорига асосан «E-anticor.uz» электрон платформаси орқали манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари аниқланади:

мавжуд манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги хабарнома ҳамда эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларацияларни ўрганишда;

давлат харидлари бўйича баённома ва шартномаларни, шунингдек, тижорат ташкилотларининг аффилланган шахслари ва бенефициарлари бўйича маълумотларни ўрганишда;

ходимнинг фаолиятида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш бўйича белгиланган чекловларга амал қилинишини текширишда;

манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш бўйича таркибий бўлинмалар томонидан манфаатлар тўқнашувини аниқлаш учун электрон базалардан олинган маълумотларни ўрганишда;

оммавий ахборот воситалари, шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғи ва ижтимоий тармоқлардаги давлат органлари ва ташкилотларида манфаатлар тўқнашувига йўл қўйилаётганлиги ҳақидаги мурожаатларни текширишда.

«E-anticor.uz» электрон платформасида электрон модулни яратиш ва модернизация қилиш билан боғлиқ харажатлар Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ҳузуридаги Жамоатчилик назоратини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан қопланиши белгилансин.

5. Манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ ҳолатларни аниқлашда жамоатчилик иштирокини таъминлаш мақсадида:

давлат органлари ва ташкилотлари ходимлари фаолиятида манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари бўйича тегишли далилларни илова қилган ҳолда уларни аниқлашда фаол ёрдам берган шахсларга ундирилган жариманинг эллик фойзи миқдорида мукофот пули бериш;

Республика идоралараро комиссиясининг ишчи органлари томонидан ҳар чоракда давлат органлари ва ташкилотларида манфаатлар тўқнашувига йўл қўйилган ҳолатлар, уларни бартараф этиш, шунингдек, бундай ҳолатларнинг олдини олиш бўйича кўрилган чоралар ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиб бориш амалиёти жорий этилсин.

6. Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (А. Бурханов) Адлия вазирлиги (А. Ташқулов) билан биргаликда:

икки ой муддатда давлат органлари ва ташкилотлари учун манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш бўйича услугий тавсияларни ишлаб чиқсан;

2024 йил 1 октябрга қадар халқаро экспертларни жалб этган ҳолда манфаатлар тўқнашувини хисобга олиш реестри, мавжуд манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги хабарнома ва эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларациянинг намунавий шаклларини тасдиқласин.

7. Адлия вазирлиги (А. Ташкулов) Бош прокуратура (Н. Йўлдошев) ва Коррупцияяга қарши курашиш агентлиги (А. Бурханов) билан биргаликда:

бир ой муддатда рўйхатдаги давлат органлари ва ташкилотларининг ходимлари ўртасида манфаатлар тўқнашуви бўйича билим ва кўникмаларни баҳолаш учун онлайн тест синовлари ўтказилишини;

уч ой муддатда рўйхатдаги давлат органлари ва ташкилотларида манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини аниқлаш, уларни бартараф этиш ҳамда олдини олиш юзасидан ходимлар учун график асосида ўқув тренинг машғулотлари ташкил этилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикасининг «Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида»ги Қонуни ижроси доирасида 2024 йилда амалга ошириладиган ишлар юзасидан «йўл харитаси» 2-иловага\* мувофиқ тасдиқлансан.

Белгилансинки, Республика идоралараро комиссиясининг ишчи органлари «йўл харитаси»да назарда тутилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши устидан тизимли мониторингни олиб боради ҳамда натижаси бўйича ҳар чорақда Республика идоралараро комиссиясига ахборот киритиб боради.

9. Олий Мажлис палаталарига рўйхатдаги давлат органлари ва ташкилотларида Қонун билан белгиланган талабларга риоя этилиши, шу жумладан уларнинг фаолиятида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш бўйича кўрилган чоралар устидан таъсирчан парламент назоратини олиб бориш тавсия этилсин.

10. Республика идоралараро комиссияси (А. Арипов) бир ой муддатда рўйхатдаги давлат органлари ва ташкилотлари томонидан Қонунни амалга ошириш бўйича идоравий дастурлар қабул қилинишини таъминласин.

11. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил этиш ва мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Амалга оширилган чора-тадбирлар юзасидан 2024 йил 1 ноябрга қадар Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилсан.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 5 июнь,  
ПҚ-210-сон

\* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ

**186** **Ўзбекистон Республикасида «яшил» иқтисодиётга ўтишда миллий шаффоффлик тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Мамлакатимизда «яшил» иқтисодиётни жадал ривожлантириш, илфор халқаро стандартларга мувофиқ ушбу йўналишда шаффоффлик даражасини тубдан ошириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 2 декабрдаги «2030 йилгача Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтишига қаратилган ислоҳотлар самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-436-сон қарорида белгиланган вазифаларни самарали ва ўз вақтида амалга ошириш мақсадида:

1. Кўйидагилар:

Иқлим ўзгариши бўйича Париж битимининг (кейинги ўринларда — Париж битими) 13-моддасида иссиқхона газлари ажратмаларини қисқартириш ва иқлим ўзгаришига қарши курашишда мамлакатлар томонидан иқлим ўзгариши таъсирини юмшатиш ва унга мослашиш чоралари кўрилиши ҳисобидан эришилган натижаларни доимий равишда баҳолаб бориш мақсадида такомиллаштирилган шаффоффлик тизимини йўлга қўйиш на зарда тутилганлиги;

Париж битимида мувофиқ, шаффоффлик тизими орқали иссиқхона газлари ажратмалари мониторинги натижалари ва ҳисботларни, шунингдек, иқлим ўзгаришига мослашиш жараёнларига оид маълумотларни жамоатчилик эътиборига етказиб бориш талаб этилиши;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 2 декабрдаги «2030 йилгача Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтишига қаратилган ислоҳотлар самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-436-сон қарорида миллий миқёсда иссиқхона газлари ажратмаларининг мониторинги, ҳисботи ва текшируви бўйича шаффоффлик тизимини (кейинги ўринларда — MRV тизими) яратиш ва ривожлантириш белгиланганлиги;

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги (кейинги ўринларда — Экология вазирлиги) ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда илфор халқаро стандартлар ва хорижий тажриба асосида Ўзбекистон Республикасида «яшил» иқтисодиётга ўтишда миллий шаффоффлик тизимини жорий этиш концепцияси ишлаб чиқилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикасида «яшил» иқтисодиётга ўтишда миллий шаффоффлик тизимини жорий этиш концепциясини тасдиқласин.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ мамлакатимизда «яшил»

\* Ушбу карор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 6 июняда эълон қилинган.

иқтисодиётга ўтишда миллий шаффофлик тизими (кейинги ўринларда — миллий шаффофлик тизими) доирасида:

а) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги миллий шаффофлик тизимининг миллий органи ҳисобланади ва у қўйидаги вазифаларни амалга оширади:

Экология вазирлиги билан биргаликда Энергетика вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги (кейинги ўринларда — тармоқ мувофиқлаштирувчилари) ишини самарали йўлга қўйиш ҳамда уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

2025 йилдан бошлаб ҳар 5 йилда Париж битими доирасида иқтисодий ва ижтимоий таъсирни баҳолаш асосида иқлим ўзгариши оқибатларини камайтириш бўйича миллий мажбуриятни белгилаш;

MRV тизими талабларига мувофиқ тақдим этилган маълумотларнинг тўлиқлиги, тўғрилиги ва сифатини назорат қилиш;

иқтисодиёт, шу жумладан саноат тармоқларида иссиқхона газлари ажратмалари қисқартирилишини мувофиқлаштириш ва тартибга солиши;

MRV тизимини ишлаб чиқиш, жорий этиш ва юритиш, шу жумладан барча MRV тизими ҳисобот элементларини қўллаб-куватлаш учун онлайн платформа ишлаб чиқиш ва жорий этиши;

иссиқхона газлари ажратмалари қисқартирилишининг миллий реестрини жорий этиш, қисқартирилган иссиқхона газларининг миллий ва халқаро даражадаги савдосини мувофиқлаштириш, бунда биринчи навбатда миллий манбаатларни инобатга олган ҳолда, халқаро мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш;

б) Экология вазирлиги қўйидаги вазифаларни амалга оширади:

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги ҳадли конвенцияси доирасида Иссиқхона газлари хатлови миллий ҳисоботини тайёрлаш, тасдиқланган ҳисоботни Иқлим ўзгариши тўғрисидаги миллий ахборот ҳамда икки йиллик шаффофлик ҳисоботларига интеграция қилиш;

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишилган ҳолда, миллий эҳтиёжлар, имкониятлар ва тартибларга мувофиқ расмий ҳисоботларни тайёрлаш ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги ҳадли конвенцияси котибиятига тақдим этиб бориш;

муҳофаза этиладиган табиий худудларни бошқариш, муҳофаза этиш, ўрмон фондини кенгайтириш, дарахтзорларни барпо этиш ва қайта тиклаш омилларига кўра иссиқхона газлари ютилишига оид маълумотларни тўплаш ва қайта ишлаш;

в) тармоқ мувофиқлаштирувчилари Экология вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда бошқа вазирликлар, идоралар ҳамда ташкилотлар билан биргаликда қўйидаги вазифаларни амалга оширади:

тармоқ бўйича иссиқхона газлари тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш, уларнинг шаффофлигини таъминлаш ва бошқа маълумотлар билан интеграция қилиш ҳамда хатлов ҳисоботини тайёрлашда иштирок этиш;

тармоқда иссиқхона газлари ажратмаларини хатловдан ўтказиш ва унинг

натижасида тўпланган ҳамда қайта ишланган маълумотларни миллий органга тақдим этиб бориш ҳамда уларнинг «Яшил иқтисодиёт» онлайн платформасига даврий юклаб борилишини таъминлаш.

4. Ўзбекистон Республикасида «яшил» иқтисодиётга ўтиш чораларини мувофиқлаштириш бўйича идораларо кенгашга (Ж. Кўчкоров) иссиқхона газларининг хатлови бўйича қўйидаги қўшимча вазифалар юклансин:

иссиқхона газлари хатлови хисоботини тасдиқлаш;

хатлов тизимининг ички қоидаларини тасдиқлаш ва янгилаб бориш;

иссиқхона газлари ажратмаларини камайтириш фаолиятини мувофиқлаштириш;

хатлов тизими иштирокчиларининг салоҳиятини ошириш чораларини кўриш.

5. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Экология вазирлиги ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргалиқда:

а) 2024 йил 1 декабрга қадар миллий шаффоффлик тизими онлайн платформаси (кейинги ўринларда — онлайн платформа) ишга туширилишини ва унинг «Яшил» иқтисодиёт онлайн платформасига интеграция қилинишини;

б) 2025 йил 1 январга қадар тажриба-синов тариқасида муайян соҳа, ҳудуд ва корхоналарда иссиқхона газлари ажратмалари хатловдан ўтказилишини таъминласин.

Бунда онлайн платформанинг фаолияти Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги «Яшил» иқтисодиёт лойиҳалари маркази томонидан мувофиқлаштирилади;

в) онлайн платформа ишга туширилгандан сўнг уч ой муддатда MRV тизимини жорий этишга оид қўйидагиларни назарда тутувчи норматив-хуқуқий хужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

иссиқхона газлари ажратмалари ҳажми бўйича ўзаро кросс-текширувлар ва ҳисоб-китоб сифатини аниқлаш текширувлари рўйхатини юритиш;

иссиқхона газлари ажратмаларини қисқартириш ва уларни хатловдан ўтказиш учун ҳудудга хос ёндашувларни ишлаб чиқиш, хусусан, республика ҳудудлари бўйича иссиқхона газлари ажратмалари ҳажмини ҳисоблаш ва камайтиришнинг мақсадли кўрсаткичлари ҳамда прогнозларини белгилаш;

хатлов натижаларини мустакил текшириш тизимларини йўлга қўйиш, шу жумладан энергетика соҳасидаги ташкилотларда метан гази ажратмаларини ҳисоблашда сунъий йўлдош кузатувларидан фойдаланиш.

6. Экология вазирлиги ва Гидрометеорология хизмати агентлиги:

икки ой муддатда онлайн платформа самарали ишга туширилишини таъминлаш мақсадида 1990 — 2023 йиллар кесимида иссиқхона газлари ажратмалари тўғрисидаги батафсил маълумотларни Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим этсин;

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргалиқда уч ой муддатда иссиқхона газлари ажратмалари тўғрисидаги батафсил маълумотлар онлайн платформага жойлаштирилишини таъминласин.

7. Экология вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Энергетика вазирлиги билан биргалиқда уч ой муддатда энергия ресурсларидан билвосита

хосил бўладиган иссиқхона газлари ажратмалари ҳажмини аниқлаш, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан иссиқхона газлари ажратмалари ҳажмини хисоблаш бўйича услубий қўлланмаларни (кўрсатмаларни) ишлаб чиқиб, тасдиқласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 2 декабрдаги ПҚ-436-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида «яшил» иқтисодиётга ўтиш чораларини мувофиқлаштириш бўйича Идораларо кенгаш таркибининг матни иловага\* мувофиқ тахrirда баён этилсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчкоров ҳамда экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири А.А. Абдухакимов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 5 июнь,  
ПҚ-213-сон

\* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРИНИНГ  
БҮЙРУФИ

**187** Давлат ёнгин назорати органлари фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқнома-мага ўзгартериш ва қўшимчалар киритиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил  
3 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3097-8*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 4 октябрдаги 272-сон «Давлат ёнгин назорати тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2018 йил 28 октябрдаги 228-сон буйруғи (рўйхат рақами 3097, 2018 йил 11 декабр) (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 12.12.2018 й., 10/18/3097/2314-сон) билан тасдиқланган Давлат ёнгин назорати органлари фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартериш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**А. ҚўЛДОШЕВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 6 май,  
131-сон

*Келишилди:*

*Тадбиркорлик субъектларининг  
ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини  
ҳимоя қилиш бўйича вакил*

**Д. КАСИМОВ**

2024 йил 29 апрель

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 3 июнда эълон қилинган.

*Қурилиш ва уй-жой коммунал  
хўжалиги вазири*

*Б. ЗАКИРОВ*

*2024 йил 24 апрель*

*Ўзбекистон техник жиҳатдан  
тартибга солиш агентлиги  
директори*

*А. ЖУМАНАЗАРОВ*

*2024 йил 26 апрель*

*Ўзбекистон Савдо-саноат  
палатаси раиси*

*Д. ВАХАБОВ*

*2024 йил 23 апрель*

*Ўзбекистон Республикаси  
фавқулодда вазиятлар вазирининг 2024 йил  
6 майдаги 131-сон буйруғига  
ИЛОВА*

**Давлат ёнгин назорати органлари фаолиятини ташкил  
этиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага  
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Йўриқнома муқаддимаси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Йўриқнома республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, бошқа ташкилотлар, уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек фуқаролар томонидан ёнгин хавфсизлиги талабларига риоя қилинишини текшириш ва текширув натижалари бўйича чора-тадбирлар кўриш мақсадида амалга ошириладиган давлат ёнгин назорати органлари фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш тартибини белгилайди.».

2. 1-баннда:

бешинчи хатбошидаги «давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ташкилотлар,» деган сўзлар «республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, бошқа ташкилотлар,» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қўйидаги мазмундаги еттинчи — ўн олтинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

**давлат ёнгин назорати** (бундан буён матнда ДЁН деб юритилади) органлари — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг давлат ёнгин назоратини амалга ошириш ваколатига эга бўлинмалари;

**ёзма қўрсатма** — ёнгин назорати бўйича давлат инспекторининг ёнгин

хавфсизлиги талаблари бузилишини бартараф этиш, шу жумладан қурилаётган корхоналар ва объектларнинг, шунингдек товарларни ишлаб чиқариш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш)да ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўйича тадбирларнинг белгиланган муддатларда тегишли мансабдор шахслар ва фукаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган ёзма фармойиши;

**ёнғин назорати бўйича давлат инспектори** (бундан буён матнда инспектор деб юритилади) — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг давлат ёнғин назоратини амалга ошириш ваколатига эга бўлган мансабдор шахси;

**ёнғинлар профилактикаси** — ёнғинлар келиб чиқиши эҳтимолини истисно этишга ва уларнинг оқибатларини камайтиришга қаратилган огоҳлантириш чора-тадбирлари мажмуи;

**тадбиркорлик субъектига тегишли бўлган объектнинг ёнғин-профилактик кўриги** (бундан буён матнда кўрик деб юритилади) — тадбиркорлик субъектига ёнғин келиб чиқиши кучайишининг (тарқалишининг) олдини олишга қаратилган ёзма тавсиялар бериш учун объектнинг ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқлигини аниқлаш мақсадида ўтказиладиган тадбир;

**ёнғин хавфсизлиги** — одамларнинг, юридик ва жисмоний шахслар мол-мулкининг, шунингдек атроф табиий мухитнинг ёнғинлардан химояланганлиги ҳолати;

**мониторинг ва профилактика тадбири** (бундан буён матнда профилактика тадбири деб юритилади) — тадбиркорлик субъектларига амалдаги ёнғин хавфсизлигига оид қонунчилик хужжатларини ва уларга киритилган ўзгартиришларни тушунтириш, ушбу қонунчилик хужжатлари талаблари бузилишининг олдини олишга қаратилган тавсиялар бериш мақсадида ўтказиладиган тадбир;

**«E-ma'muriy ish» тизими** — ҳуқуқбузарлик содир этилган ҳолат юзасидан маъмурий иш хужжатларини электрон тарзда расмийлаштириш ва шакллантириш, ваколатли органга электрон юбориш ҳамда ҳуқуқбузарлик содир этган шахс, жабрланувчи, гувоҳ ва холислар тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, умумлаштириш, сақлаш, таҳлил қилиш, шунингдек ваколатли органлар ўртасида идоралараро ахборот алмашишнинг ягона марказлаштирилган электрон тизими;

**«E-material» тизими** — жиноят ва ҳодисаларга оид ариза, хабар ва бошқа маълумотларни қабул қилиш, рўйхатга олиш, кўриб чиқиш, қабул қилинган қарорлар ҳисобини юритиш ва терговга қадар текширув жараёни устидан назоратни амалга ошириш имконини берадиган электрон дастурий таъминот;

**«Yagona davlat nazorati» ахборот тизими** — тадбиркорлик соҳасида давлат назорати билан боғлиқ катта ҳажмдаги маълумотларни йифиш, таҳлил қилиш ва қайта ишлаш имконини берувчи электрон ахборот тизими.».

3. З-бандда:

иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«марказий ДЁН органи — Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг (бундан

буён матнда ФВВ деб юритилади) Фавқулодда вазиятлар профилактикаси департаменти таркибига кирувчи Давлат ёнгин назорати органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси, Шахарсозлик фаолияти соҳасида профилактика бошқармаси ва йўта мухим ва тоифаланган обьектларда ёнгин хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш бошқармаси;»;

учинчи хатбошидаги «ФВВга бевосита бўйсунувчи ёнгин хавфсизлиги марказлари;» деган сўзлар «Ўта мухим ва тоифаланган обьектларда ёнгин хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш бошқармасига бевосита бўйсунувчи ёнгин хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш марказлари (бўлим, бўлинмалари) ва «Қамчик» маҳсус қидирув, ёнгин-күтқарув бошқармаси;» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«объектдаги ДЁН органи — Фавқулодда вазиятлар бошқармаларига бевосита бўйсунувчи ўта мухим давлат аҳамиятига молик ёки ёнгин ва портлаш хавфи юқори бўлган обьектлардаги ёнгин хавфсизлигини таъминлаш бўлимлари (бўлинмалари, гурухлари).».

4. 4-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4. ДЁН органларининг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:

давлат ёнгин назоратини амалга ошириш;

ёнгинлар профилактикасини ўтказиш;

қонунчиликда белгиланган тартибда ёнгинлар ва ёнгин хавфсизлиги таъллари бузилишига оид ишлар юзасидан терговга қадар текширув ўтказиш;

қонунчиликда белгиланган тартибда ёнгинларни ва уларнинг оқибатларини ҳисобга олиш, шунингдек ёнгинларга доир ахборотларни тўплаш ҳамда ўзаро алмашиш ишларини олиб бориш;

республика ва маҳаллий ижро этувчи хокимият органлари, хўжалик бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, бошқа ташкилотлар ва фуқаролар билан ёнгин хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича ҳамкорликни амалга ошириш;

барча турдаги ёнгиндан сақлаш хизмати бўлинмаларининг ёнгинларни ўчиришга шайлиги ҳолати ва ёнгинлар профилактикаси ўтказилишига доир ишларнинг бажарилиши юзасидан давлат назоратини амалга ошириш;

ёнгин хавфсизлиги соҳасидаги норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиша иштирок этиш;

қурилиш учун майдонлар (трассалар) танлаш (ажратиш) комиссиялари, шунингдек, қурилиши (реконструкцияси) тугалланган обьектларни қабул қилиб олиш комиссиялари таркибида қонунчиликда белгиланган тартибда иштирок этиш;

ёнгин автоматикаси тизимларини (автоматик ёнгин сигнализацияси, ёнгиндан хабардор ва эвакуация қилиш, тутунга қарши шамоллатиш тизимлари ҳамда автоматик ёнгин ўчириш қурилмалари ва бошқа автоматик ёнгинга қарши ҳимоя техник ускуналари) монтаж қилиш, шунингдек, қурилиш конструкция ва материалларини оловбардошлик даражасини ошириш бўйича амалга оширилган ишлар сифатини текшириш ва қабул қилиш;

ёнгин хавфсизлиги соҳасидаги техник регламентлар, стандартлар, нор-

малар, қоидалар ва бошқа техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишида иштирок этиш;

ташкилотларнинг ходимларига, суғурталанган шахсларга, мактабгача таълим муассасаларида болаларга ва бошқа таълим муассасаларида таълим олаётган шахсларга ёнгин хавфсизлиги чора-тадбирларини қўллашни ўргатиш сифати ва ташкил этилишини назорат қилиш;

ёнгин хавфсизлиги соҳасидаги ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш сифатини назорат қилиш;

фуқаролар ва ташкилотларнинг ёнгин хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича мурожаатларини кўриб чиқиши;

лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисидаги қонунчилик асосида фаолиятнинг лицензияланадиган тури бўйича ҳамда рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни расмийлаштириш учун ёнгин хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги тўғрисида хулосалар бериш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига асосан бино ва иншоотларнинг ёнгин хавфсизлиги талабларига мувофиқлигини баҳолаш (ёнгин аудити) хизматини бажариш;

жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бўлган бино ва иншоотларнинг ёнгин хавфсизлиги талабларига мувофиқлигини мустақил баҳоловчи ёнгин аудиторлик ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва услубий қўллаб-қувватлаш.».

5. З-бобнинг номидаги «ишини режалаштириш ва фаолиятини таҳлил қилиш» деган сўзлар «фаолиятини таҳлил қилиш ва режалаштириш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 8-банд қўйидаги таҳrirда баён этилсин:

«8. ДЕН органлари фаолиятини таҳлил қилиш қўйидаги йўналишларда амалга оширилади:

ёнфинлар статистикаси;

кўриклар, профилактика тадбирлари ва текширувлар натижалари;

шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги ёнфинлар профилактикасига доир ишлар;

маъмурий амалиёт;

ёнфинга қарши тарғибот.».

7. 11-банд қўйидаги таҳrirда баён этилсин:

«11. Ҳар бир маҳаллий ДЕН инспектори ушбу Йўриқноманинг 1-илова-сига мувофиқ ойлик иш режа-жадвалини тузиши лозим. Ойлик иш режа-жадвал инспекторнинг бевосита бошлиги томонидан кейинги ойнинг биринчи санасига қадар тасдиқланади. Инспектор томонидан кўриклар, профилактика тадбирлари ва текширишлар ўтказиш учун бир ойда камида 15 иш куни режалаштирилиши лозим.».

8. 16-бандда:

биринчи хатбошидаги «давлат тасарруфидаги обьектлар, сўнгра тадбиркорлик субъектларига тегишли бўлган обьектлар ёнгин хавфлилигига кўра

1, 2 ва 3-гурухлар бўйича кетма-кетлиқда киритилади.» деган сўзлар «давлат тасарруфидаги, сўнгра тадбиркорлик субъектларига тегишли бўлган обьектлар ёнғин хавфилилигига кўра 1, 2, 3 ва 4-гурухлар бўйича кетма-кетлиқда киритилади.» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

куйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Объектларни ёнғин чиқиш хавфи юзасидан гуруҳларга бўлиш бўйича методика мазкур Йўриқноманинг 2<sup>1</sup>-иловасида келтирилган.»;

иккинчи — бешинчи хатбошилар тегишли равишда учинчи — олтинчи хатбошилар деб хисоблансан.

9. 17-бандда «маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан, давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан» деган сўзлар «республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларидан, хўжалик бирлашмаларидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

10. 18-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошилари қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«18. Ҳар бир обьектга ушбу Йўриқноманинг 3-иловасига мувофиқ назорат-кузатув иши (бундан бўён матнда НКИ деб юритилади) юритилиши лозим. НКИда кўриклар, профилактика тадбирлари ва текширувлар натижалари бўйича охирги беш йил мобайнида тузилган ҳужжатлар (ёзма кўрсатмалар, далолатномалар, тавсиялар маълумотномалари, тавсияномалар, баёнлар, қарорлар, фармойишлар, бўйруқлар ва бошқалар нусхалари), обьектнинг ёнғин хавфизлигини таъминлаш масалалари бўйича бошқа ҳужжатлар нусхалари ёки асли сақланади.

Тадбиркорлик субъектларига тегишли бўлган обьектларнинг НКИда охирги текширув ўтказилган санадан қатъи назар, охирги иккита текширув натижаси бўйича тузилган ҳужжатлар, шунингдек охирги беш йил мобайнида ўтказилган кўриклар ва профилактика тадбирлари натижаси бўйича тузилган ҳужжатлар сақланади.».

11. 19-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«19. Янги обьект хақида маълумот келиб тушганда, ДҶН органи ўн кунлиқ муддатда НКИ тузиш ва кўрикларни, профилактика тадбирларни ёки текширувларни режалаштириш учун бирламчи маълумот олиш мақсадида ваколатли органларга сўровлар юборади. Биринчи кўрик, профилактика тадбири ёки текширувлар ўтказилгунга қадар янги обьектнинг НКИда ваколатли органлардан ёки бошқа манбалардан келган ушбу обьектга тааллуқли ҳужжатлар жамланади.».

12. 5-бобнинг номи қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

#### **«5-боб. Кўрикни, профилактика тадбирни ҳамда текширишни режалаштириш ва ўтказиш».**

13. 20-бандда:

биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«20. Ташкилий-хуқуқий шаклидан қатъи назар, юридик ва жисмоний шахсларга тегишли обьектларда ДҶН органлари томонидан қўйидаги тартибда текширувлар ўтказилади:

батафсил (дастлабки) текширув ва назорат текширув — бир йилда кўпи билан бир мартадан;

тезкор текширув — жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари, оммавий ахборот воситалари ва бошқа манбалардан олинган маълумотлар асосида.»;

иккинчи — ўнинчи хатбошилари тегишли равишда тўртинчи — ўн иккинчи хатбошилар деб хисоблансин;

бешинчи хатбошидан «вазияти» деган сўз чиқариб ташлансин;

ўн иккинчи хатбошидаги «одамларга хабар берадиган мосламаларнинг» деган сўзлар «одамларни ёнғиндан хабардор ва эвакуация қилишни бошқа-риш тизимларнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

14. 21-баннадаги «объектларни текшириш ва/ёки ёнғин-профилактика кўригидан ўтказишни» деган сўзлар «объектларда кўрикни, профилактика тадбирини ёки текширишларни» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

15. Қўйидаги мазмундаги 21<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«21<sup>1</sup>. Кўриклар ойлик иш режа-жадваллар асосида, профилактика тадбирлари эса мазкур Йўриқноманинг 3<sup>1</sup>-иловасига мувофиқ шаклдаги чораклик режа-график асосида ҳар чоракда камидан бир маротаба фақат тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказилади.».

16. 23-баннадаги «Текширув ва/ёки ёнғин-профилактика кўриклари» деган сўзлар «Кўриклар, профилактика тадбирлари ва текширувлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

17. 24-банд қўйидаги таҳирда баён этилсин:

«24. Кўриклар, профилактика тадбирлари ва текширувлар ДЁН органи раҳбарининг буйруғи асосида ўтказилади.

Бунда, ушбу буйруқда объект номи, жойлашган манзили, кўрик, профилактика тадбир ва текширувни ўтказиш муддати, унда иштирок этадиган инспекторнинг фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими кўрсатилиши лозим.

Кўриклар, профилактика тадбирлари ва текширувлар фақат буйруқда кўрсатилган инспекторлар томонидан амалга оширилади.

Тадбиркорлик субъектларига тегишли объектларда инспектор томонидан текширув бошланишидан олдин:

тадбиркорлик субъекти раҳбари (раҳбар вазифасини бажарувчи шахс) текширув мақсади билан таништирилиши;

хизмат гувоҳномаси ва текширув ўтказиш ҳуқуқини берувчи маҳсус гувоҳнома кўрсатилиши;

текширувни ўтказишга асос бўлган хужжатлар (текширув ўтказиш келишилганлиги ёки ваколатли орган текширув ҳақида хабардор этилганлигини тасдиқловчи хужжат нусхаси, ДЁН органининг текширув ўтказиш тўғрисидаги буйруғи ва текширув дастури) нусхалари тилхат олинган ҳолда тақдим қилиниши;

«Yagona davlat nazorati» ахборот тизимида текширувнинг уникал кодини киритиш орқали текширувга доир маълумотларни олиш ҳуқуқи тушунтирилиши лозим.

Тадбиркорлик субъектларига тегишли обьектларда инспектор томонидан кўриклар ва профилактика тадбирлари бошланишидан олдин:

тадбиркорлик субъекти раҳбари (раҳбар вазифасини бажарувчи шахс) кўрик ёки профилактика тадбирининг мақсади билан таништирилиши;

хизмат гувохномаси кўрсатилиши;

кўрик ёки профилактика тадбирларини ўтказишга асос бўлган ҳужжатлар нусхалари тақдим қилиниши керак.».

18. 25-банндаги «таклиф этилган» деган сўзлар «киритилган» деган сўз билан алмаштирилсин.

19. 26-банндаги «кўрсатмада бажариш учун таклиф этилган» деган сўзлар «кўрсатмага киритилган» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

20. Қўйидаги мазмундаги 27<sup>1</sup> — 27<sup>3</sup>-бандлар билан тўлдирилсин:

«27<sup>1</sup>. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширувларни ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини химоя қилиш бўйича вакил билан келишган ёки уни хабардор этган ҳолда «Yagona davlat nazorati» ахборот тизимида рўйхатга олиш орқали амалга оширилади.

Бунда, ўтказилган текширувларнинг натижалари ҳамда профилактика тадбирлари тўғрисида маълумот текширув ёки профилактика тадбирлари туғаган кундан бошлаб инспектор томонидан уч кун муддатда «Yagona davlat nazorati» ахборот тизимида киритилади.

27<sup>2</sup>. Текширувларнинг даврийлиги обьектнинг ёнгин хавфлилик гуруҳига кўра белгиланади. Жумладан:

1-гурух обьекти бир йилда кўпи билан бир мартадан батафсил ва назорат тартибида текширувдан ўтказилади;

2-гурух обьекти икки йилда кўпи билан бир мартадан батафсил ва назорат тартибида текширувдан ўтказилади;

3-гурух обьекти уч йилда кўпи билан бир мартадан батафсил ва назорат тартибида текширувдан ўтказилади;

4-гурух обьектида давлат ёнгин назорати заруратга қараб амалга оширилади.

«Ёнгиндан огоҳлик» умуммиллий кампанияси доирасидаги «Ёнгин хавфлизлиги аълочиси» йиллик танлов ғолиби ёки ёнгин аудити ташкилотидан ёнгин хавфлизлиги талаблари бўйича ижобий хулосасини олган ҳамда ёнгин ва бошқа хатарлардан ўзига тегишли обьектларни сугурталаган обьектларда қонунчиликда белгиланган давр мобайнида текширувлар ўтказилмайди.

27<sup>3</sup>. Ёнгин хавфлизлигини таъминлашга қаратилган профилактика тадбирлари тасдиқланган чораклик режа-графиклар асосида қўйидаги шаклларда амалга оширилади:

бевосита жойига чиқмаган ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашмаган ҳолда ҳуқуқий тарғибот, семинарлар, тушунтириш ишлари ва амалий машғулотлар ташкил этиш;

тадбиркорлик субъектларига почта алоқаси ёки электрон ахборот тизимлари орқали уларнинг фаолияти юзасидан қонунчилик талаблари бузилишининг олдини олишга қаратилган тавсиялар, тадбиркорлик субъекти фао-

лият юритаётган соҳада содир этилаётган тизимли ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва уларга имкон берувчи шарт-шароитлар бўйича хабарномалар юбориш;

амалдаги қонунчилик талабларини тушунтириш юзасидан оммавий ахборот воситаларида чиқишилар қилиш;

тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда юзага келаётган муаммоларни оммавий мухокама қилиш мақсадида Интернет жаҳон ахборот тармоғида веб-сайтлар, шу жумладан, ижтимоий тармоқларда блог ва чатларни ташкил этиш;

«очиқ эшиклар куни» тадбирларини ташкил этиш ва уларда қатнашиш;

тадбиркорлик субъектларини қонунчилик талаблари акс эттирилган тарқатма материаллар ва бошқа қўлланмалар билан таъминлаш.

Ёнгин хавфсизлигини, фуқаровий ва хизмат қуроли ҳамда унинг ўқ-дорилари, саноат учун мўлжалланган портловчи материаллар, пиротехника буюмлари, гиёхвандлик воситалари, психотроп моддалар, уларнинг аналоглари ва прекурсорлар сақланадиган жойлар (объектлар)нинг техник мустаҳкамлигини, обьект ички ва руҳсат бериш режимини таъминлаш мақсадида ўтказиладиган профилактика тадбирлари тадбиркорлик субъектларига тегишли обьектларни кўздан кечириш орқали амалга оширилиши мумкин.».

21. 6-бобнинг номи қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«6-боб. Кўриклар, профилактика тадбирларини ва текширувларни ўтказиш билан боғлиқ тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уларни амалга ошириш».**

22. 28-бандда:

биринчи хатбошидаги «текширув ва ёнгин-профилактика кўригини» деган сўзлар «кўрикни, профилактика тадбирини ва текширувни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «текширувлар ва/ёки ёнгин-профилактика кўриклида» деган сўзлар «кўрикда, профилактика тадбирида ва текширувда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбошидаги «текшириш ва/ёки ёнгин-профилактика кўриклини» деган сўзлар «кўрик, профилактика тадбирини ва текширув» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

23. 29-бандда:

биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«29. Кўрик, профилактика тадбири ва текширув мазкур Йўриқнома ва ёнгин хавфсизлиги соҳасига оид бошқа қонунчилик ҳужжатлари асосида ўтказилиши лозим.»;

иккинчи хатбоши «ўтказиладиган» деган сўздан кейин «кўриклар, профилактика тадбирлари ва» деган сўзлар билан тўлдирилсин.».

24. 30-бандда «Текширувлар даврида» деган сўзлар «Кўриклар, профилактика тадбирлари ва текширувлар даврида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

25. 7-бобнинг номи қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«7-боб. Кўриклар, профилактика тадбирлари ва текширишлар натижаларини расмийлаштириш».**

26. 32-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«32. Текширувлар натижаси бўйича ушбу Йўриқноманинг 4-иловасига мувофиқ ДЁН органларининг ёзма кўрсатмаси, кўриклар ва профилактика тадбирлари натижаси бўйича

ушбу Йўриқноманинг 4<sup>1</sup>-иловасига мувофиқ тавсиялар маълумотномаси расмийлаштирилади.

Тадбиркорлик субъектларига тегишли обьектларда ўтказилган текширувлар натижалари юзасидан ёзма кўрсатмадан ташқари далолатнома ҳам тузилади.

Ёзма кўрсатмалар ушбу Йўриқноманинг 4<sup>2</sup>-иловасига мувофиқ юритида-диган ёзма кўрсатмаларни ҳисобга олиш журналида ҳисоб рўйхатидан ўтка-зилади.

Назорат тартибидаги текширув даврида ёзма кўрсатмага киритилган тад-бирлар белгиланган муддатларда бажарилганлиги ва (ёки) бажарилмаганли-ги ҳақида ёзма кўрсатманинг тегишли бўлимида белги қўйилади.».

27. 33-бандда:

биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«33. Ёзма кўрсатма, далолатнома ва тавсиялар маълумотномаси икки нусхада тузилади. Ёзма кўрсатманинг бир нусхаси текширув тугагандан сўнг беш кундан кечиктирмасдан, далолатнома ва тавсиялар маълумотномасининг нусхаси эса кўрик ва профилактика тадбири тугаган куннинг ўзида обьект раҳбарига (ёки унинг вакилига) имзо орқали топширилади. Объект раҳбари ёзма кўрсатманинг, далолатнома ёки тавсиялар маълумотномаси нусхасини олганлиги ҳақида имзо қўйишдан бош тортган тақдирда, бу ҳақида унга тегишли белги қўйилиб, почта хизмати орқали юборилади ва топширилган-лиги ҳақида билдириш хати НКИда қоладиган иккинчи нусхасига қўшиб қўйилади.»;

тўртинчи хатбошидаги «кўрсатмада таклиф этилган» деган сўзлар «кўр-сатмага киритилган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидаги «таклиф этилаётганлиги» деган сўзлар «киритил-ганлиги» деган сўз билан алмаштирилсин.

28. 34-банддаги «хонадонли» деган сўз «квартирали» деган сўз билан алмаштирилсин.

29. 37-банднинг иккинчи хатбошисидаги «қўйидаги таклифлардан» деган сўзлар «қўйидагилардан» деган сўз билан алмаштирилсин.

30. 39-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«39. Ёнгин хавфсизлиги талабларига мос келмайдиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича аниқланган ҳолатлар ҳақида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон техник жихатдан тартибга солиш агентлиги ҳузуридаги Техник жихатдан тартибга солиш соҳасида назорат инспекциясига хабар қилинади.».

31. 40-банддаги «текширув ва/ёки ёнгин-профилактика кўриги» деган

сўзлар «кўриқ, профилактика тадбири ва текширув» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

32. 42-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«42. Махаллий ДЁН органининг тегишли бўйруғи билан бириткирилган инспекторлар томонидан ахоли яшаш уйларини текшириш ҳамда тунги вақтда одамлар оммавий бўладиган объектларни кўриқдан ўтказиш натижалари юзасидан расмийлаштирилган хужжатлари алоҳида йиғма жилдларга тикилади ва уларнинг ҳисоби юритилади.».

33. 44-банднинг тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қарор пломбалаш ёки муҳрлаш йўли билан 7<sup>1</sup>-иловасига мувофиқ баённома билан ижрога қаратилиб, баённоманинг бир нусхаси объект раҳбарига (ёки унинг вакилига) имзо орқали топширилади.».

34. 9-бобнинг номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

#### **«9-боб. Шаҳарсозлик фаолияти соҳасида профилактика ишлари».**

35. 47-бандда:

биринчи хатбошидаги «Меърий-техник ишлар» деган сўзлар «Шаҳарсозлик фаолияти соҳасида профилактика ишлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «ёнгин ўчириш» деган сўзлар «ёнгин-қутқарув» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«янги ва қайта ишлаб чиқилаётган ёнгин хавфсизлиги талаблари мавжуд бўлган техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив хужжатларни, шунингдек шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини ишлаб чиқишида иштирок этиш ва келишиш;»;

ўнинчи хатбошидаги «бериш.» деган сўз «бериш;» деган сўз билан алмаштирилсин;

қўйидаги мазмундаги ўн биринчи ва ўн иккинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«объектларни қуриш ва реконструкция қилинганда амалдаги шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларида назарда тутилган ёнгин хавфсизлиги талаблари нинг лойиҳалаш ва қурилиш ташкилотлари томонидан бажарилиши устидан танлов асосида назоратни амалга ошириш;

ривожланган давлатлар амалиётидан келиб чиқсан ҳолда, жамоат ва маъмурий биноларни лойиҳалаштириш ва қуриш учун ишлаб чиқилган махсус техник шартларни кўриб чиқиши.».

36. 48-банддаги «қурилиш меъёрлари» деган сўзлар «шаҳарсозлик нормалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

37. 49-банднинг иккинчи хатбошисидаги «тавфсия» деган сўз «тавсия» деган сўз билан алмаштирилсин.

38. 50-бандда:

иккинчи хатбошидаги «чизмаси ва туманнинг режалаштириш лойиҳаси,» деган сўзлар «лойиҳаси,» деган сўз билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ёнғин жойига ёнғин-қутқарув бўлинмалари ўз вақтида етиб боришини ҳисобга олган ҳолда ёнғин-қутқарув деполари жойлаштирилганлигига.».

39. 52-банд «маълумотлар» деган сўздан кейин «ушбу Йўриқноманинг 10<sup>1</sup>-иловасига мувофиқ» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

40. 54-банддаги «Давлат ёнғин назоратини ташкил этиш бош бошқармаси» деган сўзлар «марказий ДЁН органи» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

41. Қўйидаги мазмундаги 54<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«54<sup>1</sup>. Курилиш обьектлари учун ишлаб чиқилаётган лойиҳа-смета ҳужжатларининг архитектурага оид қисми Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 апрелдаги 200-сон қарори билан тасдиқланган Лойиҳа-смета ҳужжатларини келишиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентига асосан кўриб чиқилади.».

42. 55-бандда:

биринчи хатбошидаги «курилиш норма», «амалга оширилади.» деган сўзлар тегишли равишида «шахарсозлик нормалари», «ҳам амалга оширилиши мумкин.» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбоши чиқарип ташлансан.

43. 56-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

44. 57-банднинг биринчи хатбошидаги «курилиш» деган сўз «шахарсозлик» деган сўз билан алмаштирилсин.

45. Қўйидаги мазмундаги 57<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«57<sup>1</sup>. Лойиҳа ҳужжатларини ўрганиш натижалари ушбу Йўриқноманинг 10<sup>2</sup>-иловасига мувофиқ шаклдаги «Лойиҳаларни ўрганиб чиқиш бўйича хулосаларни қайд этиш журнали»да қайд этилади.».

46. 58-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

47. 59-банд «кундан бошлаб улар» деган сўзлардан кейин «ушбу Йўриқноманинг 10<sup>3</sup>-иловасига мувофиқ» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

48. 60-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«60. Ҳар бир курилиш обьектига НКИ юритилади ва қўйидаги ҳужжатлар жамланади:

ер участкасини ўрганиш бўйича ДЁН органи хулосаси;

ложиҳа ҳужжатларини шахарсозлик нормалари ва қоидалари талабларига мувофиқлигини ўрганиш натижалари бўйича ДЁН органи хулосалари ва ёзма тавсиялари;

қўрик, профилактика тадбирлари ва текшириш жараёнида тузилган ҳужжатлар, курилиш обьектининг ёнғин хавфини тавсифловчи бошқа материаллар ва ёзишмалар;

курилиш обьектига ўрнатилган ЁҚТҲВларнинг тизимларининг техник ҳолатини текшириш, синаш ва фойдаланишга қабул қилиш натижалари ҳамда курилиш конструкциялари ва материалларини оловбардошлик даражасини ошириш бўйича амалга оширилган ишлар бўйича тузилган ҳужжатлар;

курилиш обьектини фойдаланишга қабул қилиш ишчи ва давлат комиссияси далолатномаси ёки курилиш-монтаж ишлари тугалланган обьектдан фойдаланиш учун рухсатнома.».

49. 61-банднинг биринчи хатбошисидаги «текширувлар ва ёнгин-профилятика кўриклари» деган сўзлар «кўриклар, профилактика тадбирлари ва текширишлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

50. 63-банддаги «ёнгин-профилактика кўригидан» деган сўзлар «кўрикдан» деган сўз билан алмаштирилсин.

51. 64-банда:

биринчи хатбошининг иккинчи жумласи чиқариб ташлансин;

иккинчи хатбошидаги «ишли ва давлат», «раҳбарлари ёки меъёрий-техник бўлими мутахассислари» деган сўзлар тегишли равишда «қабул қилиш», «инспекторлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

52. 65-банд кўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«65. ДЁН органи вакили қурилиш ишлари тугалланган обьектни фойдаланишга қабул қилиш масаласи (тасдиқланган лойиҳа ҳамда шахарсозлик нормалари ва қоидаларида белгиланган ёнгин хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги) ўрганилади.».

53. 66-банд кўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«66. Қурилиши тугалланган обьектларни фойдаланишга қабул қилиш комиссиясида ДЕН органи вакилининг иштироки ва хужжатларни расмийлаштириш ШНҚ 3.01.04 «Қурилиш ишлари тугалланган обьектларни фойдаланишга қабул қилиш» шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига асосан амалга оширилади.».

54. 67 ва 68-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

55. 70-банд кўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«70. Қурилиш ишлари тугалланган обьектни ДЁН органи вакили уч иш куни мобайнида жойига чиқсан ҳолда ёнгин хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги юзасидан ўрганиб чиқади ва натижаси тўғрисида бевосита раҳбарига билдириги орқали ахборот беради.

Ўрганиш натижалари бўйича асосли эътиroz бўлмаган тақдирда ижобий хulosса тузилади, бино ва иншоот ёнгин хавфсизлиги талабларига жавоб бермаган тақдирда, аниқ асосларини кўрсатган ҳолда рад этиш хulosаси расмийлаштирилди ва шу куннинг ўзида қурилиш соҳасида худудий назорат инспекциясига ёки мурожаат этувчига Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали юборилади.».

56. 71-банда:

биринчи хатбоши чиқариб ташлансин;

иккинчи ва учинчи хатбошилари тегишли равишда биринчи ва иккинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

иккинчи хатбоши «объектнинг НКИга» деган сўзлардан кейин «ва ушбу Йўриқноманинг  $10^4$ -иловасига мувофиқ» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

57. 73-банддаги «комиссия таркибидаги ДЁН ходимларининг вазифалари ҳамда комиссия ишига жалб этиладиган ДЁН ўйналишлари, обьектларнинг» деган сўзлар «ушбу обьектларнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

58. 74-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

59. 10-бобнинг номи қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

### **«10-боб. Маъмурий амалиёт».**

60. 88-банднинг учинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин: «Маъмурий ишлар «E-murig ish» тизимиға электрон шаклида киритилиши орқали амалга оширилади. Маъмурий ишларни қофоз шаклида юритиш зарурати юзага келганда, ушбу ҳужжатлар «E-murig ish» тизимиға электрон шаклида киритилади ҳамда унинг қофоз шакли бевосита тегишли ДЁН органида сақланади.».

61. 92-бандда:

биринчи хатбоши «нусхаси» деган сўздан кейин «у чиқарилган пайтдан бошлаб» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

иккинчи хатбошидаги «туманлараро маъмурий» деган сўзлар «жиноят ишлари бўйича туман (шахар)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

62. 93-банддаги «қонунларда» деган сўз «Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

63. 11-бобнинг номи қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

### **«11-боб. Ёнгин юзасидан терговга қадар текширув ишлари».**

64. 102-бандда «ДЁН органлари» деган сўзлар «Маҳаллий ДЕН органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

65. 103-банд «текширув ишлари» деган сўзлардан кейин «маҳаллий» деган сўз билан тўлдирилсин.

66. Қўйидаги 103<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«103<sup>1</sup>. Ёнгин юзасидан текширув ишларини олиб борувчи инспекторга келиб тушган жиноят ва ҳодисаларга оид ариза, хабар ва бошқа маълумотлар ўз тасдифини топган ҳолларда у томонидан бевосита бошлиғи номига билдириги расмийлаштиради.

Жиноят ва ҳодисаларга оид ариза, хабар ва бошқа маълумотлар келиб тушган куннинг ўзида, иш вақти тугаганидан кейин келиб тушган тақдирда эса, кейинги иш кунида инспектор томонидан тегишли китобда ва «E-material» тизимида рўйхатга олинади.».

67. 104-бандда:

бешинчи хатбошидаги «бўлмаса.» деган сўз «бўлмаса;» деган сўз билан алмаштирилсин;

қўйидаги мазмундаги олтинчи ва еттинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«етказилган моддий заарнинг ўрнини ихтиёрий равишда қоплаш ва (ёки) жиноят оқибатларини бартараф этиш учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида белгиланган муддат ўтмаган бўлса.

Терговга қадар текширув муддатини узайтириш бўйича қарор ушбу қарор қабул қилинган куннинг ўзида pdf форматида сканер қилинган ҳолда «E-material» тизимиға киритилади.».

68. 111-банд қўйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин: «Жиноят ва ҳодисаларга оид ариза, хабар ва бошқа маълумотларни кўриб

чиқиши натижалари бўйича жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисида қарор ёки жиноят ишининг терговга тегишлилиги бўйича йўлланма хат шу куннинг ўзида pdf форматида сканер қилинган ҳолда «E-material» тизимиға киритилади.».

69. 121-банддаги «ички ишлар» деган сўзлар «ДЁН» деган сўз билан алмаштирилсин.

70. 123-бандда «Ёнғин ҳақидаги далолатнома», «ДЁН органлари» деган сўзлар тегишли равишида «Ёнғинлар ва уларнинг оқибатлари ёнғин ҳақидаги далолатнома», «ДЁН органлари томонидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

71. 124-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«124. Ёнғин ва унинг оқибатларини «Ёнғинларни ҳисобга олиш» автоматлаштирилган ахборот тизимиға киритиш мақсадида ёнғинни текшириш материалларига асосан инспектор томонидан ёнғинни ҳисобга олиш варақаси тўлдирилади ва унга ёнғинларни ҳисобга олиш журналига мувофиқ рақам берилади.».

72. 125-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«125. Ёнғинларни ҳисобга олиш ишларини юритиш ва «Ёнғинларни ҳисобга олиш журнали»ни тўлдириш ҳамда ёнғинларни ҳисобга олиш варақаларидан маълумотларни «Ёнғинларни ҳисобга олиш» автоматлаштирилган ахборот тизимиға киритиш ишлари ҳудудий ДЁН органининг буйруғи билан ёки хизмат вазифаларида кўрсатилган ҳолда аниқ бир ходимга юклатилади.».

73. 127-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«127. ДЁН органлари кундалик фаолиятида объектларда ёнғинлар профилактикасини, ёнғинга қарши тарғиботни амалга оширишда, шунингдек, республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмалари ҳамда ташкилотлар билан уларга тегишли объектларнинг ёнғинга қарши химоясини кучайтириш масалалари бўйича ҳамкорлик қилишда ёнғинлар таҳлилиниң натижаларидан фойдаланишлари лозим.».

74. 128-банддаги «инсонларни ҳалок бўлиши, шунингдек бошқа оғир оқибатлар билан боғлиқ содир бўлган» деган сўзлар «оғир оқибатли (инсонларнинг жароҳатланиши ва (ёки) ҳалок бўлиши)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

75. 129-банднинг учинчи хатбошидаги «бюджет» деган сўз «бюджет ёки бюджетдан ташқари ҳамда қонунчилик билан тақиқланмаган бошқа манбалар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

76. 135-банд қўйидаги мазмундаги учинчи ва тўртинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Уй-жой секторида ёнғинларнинг олдини олиш ва ёнғин хавфсизлиги чора-тадбирларини тарғиб қилишга жалб этилган туман (шаҳар) ДЁН органи инструкторлари ва ёнғин-қутқарув қисмлари шахсий таркиби томонидан уй эгаларига ёнғинга қарши йўл-йўриқлар берилади.

Бунда, улар аниқланган ёнғин чиқиши хавфи бўлган ҳолатлар юзасидан шу куннинг ўзида маҳаллий инспекторларга хабар беради. Инспектор ёнғин

чиқиши ҳолатини олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширади.».

77. 14-бобнинг номи қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«14-боб. Ёнфинга қарши техник ҳимоя воситаларини монтаж қилиш, таъмирлаш ва фойдаланиш соҳасида бажарилаётган ишлар (хизматлар) сифати устидан назорат».**

78. 138-бандда:

биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«138. ЁҚТҲВ фойдаланишга қабул қилиш ишлари шахарсозлик нормалари ва қоидалари ҳамда автоматик ёнғин ўчириш ва сигнализация қурилмаларини ўрнатиш, ишларни бажариш, қабул қилиш ҳамда техник хизмат кўрсатиш соҳасидаги хужжатлар талабларига мувофиқ амалга оширилади.»;

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

79. 139-бандда:

биринчи хатбошидаги «ушбу Йўриқномани 67-бандида» деган сўзлар «шахарсозлик нормалари ва қоидаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидан «меъёрий-техник хужжатларда ўрнатилган ҳажмда» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

учинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Шахарсозлик нормалари ва қоидалари ҳамда автоматик ёнғин ўчириш ва сигнализация қурилмаларини ўрнатиш, ишларни бажариш, қабул қилиш ҳамда техник хизмат кўрсатиш соҳасидаги хужжатларга асосан ЁҚТҲВнинг иш қобилиятини.».

80. 140-банднинг иккинчи жумласи чиқариб ташлансин.

81. 15-бобнинг номи қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«15-боб. Конунчиликка мувофиқ фаолиятнинг айрим турларини лицензиялашда, рухсат беришда, хабардор қилишда ва хизматларни сертификатлашда ДЁН органларининг иштироки».**

82. 142-банддаги «Юридик шахс (лицензия даъвогари)нинг аризаси ёки лицензия (сертификат) берадиган органларнинг мурожаатлари асосида ДЁН органи инспектори аризада» деган сўзлар «ДЁН органига юридик шахс (даъвогар)нинг аризаси ёки лицензия (сертификат) берадиган органнинг мурожаати асосида инспекторлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

83. 146-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«146. Хулоса ДЁН органининг расмий бланкасида тайёрланиб, мазкур орган раҳбари ёки унинг ўринбосари томонидан имзоланади ва мурожаат этган юридик шахс (тадбиркорлик субъекти)га ёки лицензия (сертификат) берадиган ваколатли органига маҳсус электрон тизими ёки почта орқали юборилади.».

84. 151-банддаги «ягона тизимга» деган сўзлар «Yagona davlat nazorati» ахборот тизимиға» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

85. 163-банддаги «маҳсус» деган сўз «ҳарбий» деган сўз билан алмаштирилсин.

86. 165-банднинг биринчи хатбошисидаги «ёнгин хавфсизлиги бўлими (бўйинмаси)» деган сўзлар «фавқулодда вазиятлар бўлими» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

87. 1-илованинг матнидаги «Текшириш ва ёнгин-профилактика кўриклидан», «Ёнгин-профилактика кўриклари», «Режали кўриклар», «Кўшимча кўриклар» деган сўзлар тегишли равишда «Текшириш, ёнгин-профилактика кўриклари ҳамда мониторинг ва профилактика тадбирларидан», «Ёнгин-профилактика кўриклари, мониторинг ва профилактика тадбирлари», «Режали», «Кўшимча» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

88. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 1-иловасига мувофиқ таҳрирдаги 2<sup>1</sup>-илова билан тўлдирилсин.

89. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 2-иловасига\* мувофиқ таҳрирдаги 3<sup>1</sup>-илова билан тўлдирилсин.

90. 4-илова мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 3-иловасига\* мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

91. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 4 ва 5-иловаларига\* мувофиқ таҳрирдаги 4<sup>1</sup> ва 4<sup>2</sup>-иловалар билан тўлдирилсин.

92. 6-илова мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 6-иловасига\* мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

93. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 7-иловасига\* мувофиқ таҳрирдаги 7<sup>1</sup>-илова билан тўлдирилсин.

94. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 8, 9, 10, 11-иловаларига\* мувофиқ таҳрирдаги 10<sup>1</sup>, 10<sup>2</sup>, 10<sup>3</sup> ва 10<sup>4</sup>-иловалар билан тўлдирилсин.

---

\* 2 — 11-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Давлат ёнғин назорати органлари  
фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш  
тартиби тұғрисидаги йўриқномага  
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларга  
1-ИЛОВА

«Давлат ёнғин назорати органлари  
фаолиятини ташкил этиш бўйича  
Йўриқномага  
2<sup>1</sup>-ИЛОВА

## **Объектларни ёнғин чиқиш хавфи бўйича гурухларга бўлиш МЕТОДИКАСИ**

1. Назорат объектларида ўтказиладиган батафсил текширувларнинг даврийлиги ушбу объектларнинг ёнғин чиқиш хавфи бўлган гуруҳига кўра белгиланади.

2. Объектлар ёнғин хавфилиги бўйича 4 та гурухга бўлинади:

- 1-гурухга мансуб объектлар — хавфли;
- 2-гурухга мансуб объектлар — ўрта даражада хавфли;
- 3-гурухга мансуб объектлар — паст даражада хавфли;
- 4-гурухга мансуб объектлар — хавфсиз.

3. 1-гурухга мансуб объектларга қўйидагилар киради:

Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан белгиланган ўта муҳим, биринчи ва иккинчи тоифали муҳим объектлар;

таркибида портлаб-ёниш ва ёнғин хавфи бўйича «А», «Б» ва «В1-В4» тоифаларга мансуб хоналар («А», «Б» ва «В» тоифага мансуб бинолар, «Ат», «Бт» ва «Вт» тоифаларга мансуб ташқи қурилмалар) бўлган объектлар;

пахта хом ашёсини сақлаш шохобчалари, пахта хом ашёсини қайта ишлаш корхоналари, пахта толасини сақлаш объектлари, пахта-тўқимачилик кластерлари ва шу каби объектлар;

портловчи моддалар, кучли таъсир этувчи заҳарли моддалар билан боғлиқ ишлаб чиқариш объектлари, ушбу моддаларни сақлаш омборлари мавжуд объектлар;

ёнғинга хавфли кимёвий ва ўткир таъсир этувчи заҳарли моддалар (маҳсулотлар) билан боғлиқ ишлаб чиқариш объектлари, ушбу моддалар (маҳсулотлар)ни сақлаш омборлари;

радиоактив моддалар ва радиоактив чиқиндилар айланиши билан боғлиқ объектлар;

барча турдаги автомобилларга ёқилғи қўйиш ва газ тўлдириш станциялари;

дон ва дон маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш корхоналари;

ҳаво ва темир йўл транспорти бинолари ва иншоотлари;

барча турдаги таълим муассаса (ташкилот)лари (мактабгача таълим ва тарбия, умумий ўрта ва ўрта маҳсус, профессионал, олий, олий таълимдан кейинги, мактабдан ташқари таълим ва кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш);

стационар даволашга мўлжалланган тиббиёт муассасалари;  
 стационар тиббий соғломлаштириш муассасалари;  
 халқаро конференциялар, кўргазма, ярмарка, форумлар ва бошқа оммавий одам йифиладиган тадбирларни ўтказишга мослаштирилган обьектлар;  
 тунда оммавий одам қоладиган обьектлар (саҳоват уйлари, мурувват уйлари ва шу каби обьектлар);  
 оммавий одам йифиладиган диний тадбирлар ўтказиладиган обьектлар;  
 28 м дан баланд бўлган кўп квартирали уйлар, маъмурий ва жамоат бинолари;  
 маданий-томоша муассасалари, маданий-оммавий тадбирлар ўтадиган обьектлар;  
 юз ва ундан кўп ўринга мўлжалланган меҳмонхоналар, мотел, кемпинг, ётоқхона ва шу каби обьектлар;  
 ихтисослаштирилган ва буюм бозорлари, савдо-кўнгилочар мажмуалар (савдо комплекслари);  
 гипермаркетлар;  
 умумий овқатланиш (ресторан, қаҳвахона, бар, тўй ва шу каби бошқа маросимлар ўтказиладиган) масканлари;  
 саноат музлаткичлари;  
 алоҳида ёпиқ турдаги ер ости ва ер усти кўп қаватли автотурагоҳлар;  
 кийим-кечак савдоси билан шуғулланадиган савдо обьектлари (аутлетлар, ритейл-парклар ва шу каби обьектлар);  
 телерадио узатиш марказлари (миноралари);  
 янги қурилаётган, реконструкция қилинаётган, кенгайтирилаётган, техник жиҳатдан қайта жиҳозланаётган ва капитал таъмирланаётган обьектлар.

#### 4. 2-гурухга мансуб обьектларга қуйидагилар киради:

таркибида портлаб-ёниш ва ёнғин хавфи бўйича «Г» тоифага мансуб хоналар («Г» тоифага мансуб бинолар, «Гт» тоифага мансуб ташқи қурилмалар) бўлган обьектлар;

мингдан кўп ўринга мўлжалланган стадион, ёпиқ спорт иншоотлари ва манежлар;

амбулатор даволашга мўлжалланган тиббиёт муассасалари;

дехқон (озик-овқат) бозорлари;

универсал магазин (универмаг)лар;

супермаркетлар;

юз ўрингача мўлжалланган меҳмонхоналар, мотел, кемпинг, ётоқхона ва шу каби обьектлар;

15,5 м (беш қават)дан 28 м гача (28 м ҳам) бўлган кўп квартирали уйлар, маъмурий ва жамоат бинолари;

#### 5. 3-гурухга мансуб обьектларга қуйидагилар киради:

таркибида портлаб-ёниш ва ёнғин хавфи бўйича «Д» тоифага мансуб хоналар («Д» тоифага мансуб бинолар, «Дт» тоифага мансуб ташқи қурилмалар) бўлган обьектлар;

гидротехник иншоотлар;

алоқа ва бошқа муҳандислик-коммуникация тизимлари (иншоотлари);

минг ўрингача мўлжалланган стадион, ёпиқ спорт иншоотлари ва манежлар;

15,5 м (беш қават)гacha бўлган кўп квартирали уйлар, маъмурий ва жамоат бинолари;

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини, адлия ва прокуратура органлари, судлар, ўзини-ўзи бошқариш органлари ва шу каби хизматларнинг маъмурий бинолари;

истироҳат боғлари;

очик турдаги автотурагоҳлар.

6. 4-гурухга мансуб обьектларга қўйидагилар киради:

1 — 3-гурухларга кирмаган обьектлар.».

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ENERGETIKA VAZIRINING  
BUYRUG'I

**188 Reaktiv quvvat kompensatsiyasi bo'yicha ishlarni tashkil etish tartibi to'g'risidagi nizomga o'zgartirishlar kiritish haqida\***

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 3-iyunda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 1864-3*

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 21-dekabrdagi PF-269-son "Yangi O'zbekiston ma'muriy islohotlarini amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi va 2023-yil 25-yanvardagi PF-14-son "Respublika ijro etuvchi hokimiyat organlari faoliyatini samarali yo'lga qo'yishga doir birinchi navbatdagi tashkiliy chora-tadbirlar to'g'risida"gi farmonlariga hamda O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2024-yil 24-fevraldagli 100-son "Qurilish va uy-joy kommunal xo'jaligi sohasida davlat boshqaruvi tizimi takomillashtirilishi munosabati bilan O'zbekiston Respublikasi Hukumatining ayrim qarorlariga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish to'g'risida"gi qaroriga muvofiq **buyuraman**:

1. Elektr energetikada nazorat bo'yicha davlat inspeksiyasi "O'zdavenergonazorat" boshlig'ining 2008-yil 9-sentabr 168-sun buyrug'i (ro'yxat raqami 1864, 2008-yil 10-oktabr) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2008-y., 40-41-sun, 419-modda) bilan tasdiqlangan Reaktiv quvvat kompensatsiyasi bo'yicha ishlarni tashkil etish tartibi to'g'risidagi nizomga ilovaga muvofiq o'zgartirishlar kiritilsin.
2. Mazkur buyruq O'zbekiston Respublikasi Raqobatni rivojlantirish va iste'molchilar huquqlarini himoya qilish qo'mitasi bilan kelishilgan.
3. Mazkur buyruq rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

**Vazir**

**J. MIRZAMAHMUDOV**

Toshkent sh.,  
2024-yil 16-may,  
64-sun

*Kelishildi:*

*Raqobatni rivojlantirish va iste'molchilar  
huquqlarini himoya qilish qo'mitasi  
raisining o'rinnbosari*

**A. QAYUMOV**

*2024-yil 14-may*

---

\* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2024-yil 3-iyunda e'lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi  
energetika vazirining 2024-yil 16-maydag'i  
64-son buyrug'iga  
ILOVA

**Reaktiv quvvat kompensatsiyasi bo'yicha ishlarni tashkil etish  
tartibi to'g'risidagi nizomga kiritilayotgan o'zgartirishlar**

1. Muqaddima quyidagi tahrirda bayon etilsin:

"Mazkur Nizom elektr energiyasini elektr tarmoqlari bo'ylab uzatishda texnologik sarflarni kamaytirish hamda reaktiv quvvat kompensatsiyasi bo'yicha ishlarni tashkil etish tartibini belgilaydi."

2. 11-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

"11. O'zbekiston Respublikasi Energetika vazirligi huzuridagi Elektr energiyasi, neft mahsulotlari va gazdan foydalanishni nazorat qilish inspeksiyasi (keyingi o'rinnlarda "O'zenergoinspeksiya") iste'molchilarning elektr uskunalarida reaktiv quvvat kompensatsiyasining maqbul darajasi ta'minlanishi yuzasidan nazoratni amalga oshiradi."

3. 15-bandning birinchi xatboshisidan "O'zbekenergo" aksiyadorlik jamiyati tomonidan belgilangan tartibda tayyorlangan," degan so'zlar chiqarib tashlansin.

4. 27-bandning birinchi xatboshisidagi "O'zdavenergonazorat" inspeksiyasi" degan so'zlar "O'zenergoinspeksiya" degan so'z bilan almashtirilsin.

5. Ilovaning 17-bandi o'n oltinchi xatboshisidagi "O'zdavenergonazorat" inspeksiyasi" degan so'zlar "O'zenergoinspeksiya" degan so'z bilan almashtirilsin.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
 QURILISH VA UY-JOY KOMMUNAL XO'JALIGI VAZIRLIGI  
 O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
 IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRLIGINING  
 QARORI

**189** “Tuman (shahar) obodonlashtirish boshqarmalari xodimlarining me'yorlangan sonini belgilash to‘g‘risidagi yo‘riqnomani tasdiqlash haqida”gi qarorga o‘zgartirishlar kiritish haqida\*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 3-iyunda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 1989-3*

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 21-dekabrdagi PF-269-son “Yangi O‘zbekiston ma’muriy islohotlarini amalga oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoni va O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2023-yil 15-avgustdagi 386-sun “Geografik obyektlarga nom berish tartibi takomillashtirilishi munosabati bilan O‘zbekiston Respublikasi Hukumatining ayrim qarorlariga o‘zgartirish va qo‘sishchalar kiritish to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Qurilish va uy-joy kommunal xo‘jaligi vazirligi hamda Iqtisodiyot va moliya vazirligi **qaror qiladi**:

1. O‘zbekiston “O‘zkommunxizmat” agentligi va O‘zbekiston Respublikasi Moliya vazirligining 2009-yil 16-iyundagi 07-125 va 64-sun qarori (ro‘yxat raqami 1989, 2009-yil 29-iyul) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2009-y., 30-31-sun, 354-modda) bilan tasdiqlangan Tuman (shahar) obodonlashtirish boshqarmalari xodimlarining me'yorlangan sonini belgilash to‘g‘risidagi yo‘riqnomaga ilovaga muvofiq o‘zgartirishlar kiritilsin.
2. Mazkur qaror O‘zbekiston kasaba uyushmlari Federatsiyasi Kengashi bilan kelishilgan.
3. Mazkur qaror rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

**Qurilish va uy-joy kommunal  
xo‘jaligi vaziri**

**B. ZAKIROV**

Toshkent sh.,  
 2024-yil 20-may,  
 5-sun

**Iqtisodiyot va moliya vaziri**

**D. KUCHKAROV**

Toshkent sh.,  
 2024-yil 6-may,  
 119-sun

---

\* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2024-yil 3-iyunda e’lon qilingan.

*Kelishildi:*

*O'zbekiston kasaba uyushmalari  
Federatsiyasi raisi*

*K. RAFIKOV*

*2024-yil 25-aprel*

O'zbekiston Respublikasi  
Qurilish va uy-joy kommunal xo'jaligi  
vazirligining 2024-yil 20-maydagi 5-son hamda  
Iqtisodiyot va moliya vazirligining 2024-yil  
6-maydagi 119-son qaroriga  
ILLOVA

**“Tuman (shahar) obodonlashtirish boshqarmalari xodimlarining  
me'yorlangan sonini belgilash to'g'risidagi yo'riqnomani tasdiqlash  
haqida”gi qarorga kiritilayotgan o'zgartirishlar**

1. Muqaddima quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Mazkur Yo'riqnomalar obodonlashtirish sohasida ishlarni bajarish va xizmatlar ko'rsatishda sarflanadigan vaqt me'yorlari va xizmat ko'rsatish hududlaridan kelib chiqqan holda tuman (shahar) obodonlashtirish boshqarmalari (keyingi o'rinnlarda boshqarmalar deb yuritiladi) xodimlarining me'yorlangan sonini belgilaydi.”.

2. 3-banddagи “moliya” degan so‘z “iqtisodiyot va moliya” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

3. 2-ilovadagi “shahar tipidagi posyolkada” degan so‘zlar “shaharchada” degan so‘z bilan almashtirilsin.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТРАНСПОРТ ВАЗИРИНИНГ  
БҮЙРУГИ**

**190** **Ўзбекистон Республикаси транспорт вазири томонидан қабул қилинган айрим идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатларга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил  
4 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3516*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 14 июндаги ПФ-94-сон «Маъмурий ислохотлар доирасида транспорт соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 15 декабрдаги 668-сон «Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги хузуридаги Транспорт назорати инспекцияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси транспорт вазири томонидан қабул қилинган айрим идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатларга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Ушбу буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**И. МАҲКАМОВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 16 май,  
9-сон

Ўзбекистон Республикаси  
транспорт вазирининг 2024 йил 16 майдаги  
9-сон буйругига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси транспорт вазири томонидан қабул қилинган айрим идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатларга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирининг 2022 йил 10 марта даги 4-сон (рўйхат рақами 3363, 2022 йил 19 апрель) (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 19.04.2022 й., 10/22/3363/0322-сон, 27.07.2022 й., 10/22/3363-1/0680-сон) буйруғи билан тасдиқланган Темир йўл кесиши марапидан фойдаланиш қоидаларида:

4 ва 6-бандлардаги «Темир йўлларда юк ва ўйловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш» деган сўзлар «Транспорт назорати» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 4 июнда эълон қилинган.

4 ва 6-бандлардан «Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекцияси,» деган сўзлар чикариб ташлансан.

2. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирининг 2022 йил 9 июндағи 7-сон «Темир йўл транспорти ҳамда метрополитенда ҳаракат ва ташишлар хавфсизлиги талабларининг бузилиши билан боғлиқ ҳодисаларни таснифлаш, хизмат текширувани олиб бориш ва ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги бўйруғида (рўйхат рақами 3376, 2022 йил 27 июль) (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 27.07.2022 й., 10/22/3376/0682-сон):

а) муқаддимадаги «2019 йил 19 апрелдаги 337-сон «Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги, Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси ва Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» деган сўзлар «2023 йил 15 декабрдаги 668-сон «Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Транспорт назорати инспекцияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) Низомда:

15-банд, 17-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошилари, 19-банднинг етдинчи хатбошиси, 31-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошилари, 32-банднинг иккинчи хатбошиси, 34 ва 35-бандлардаги «Ўзтемирийўлназорат» деган сўзлар «Транспорт назорати» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

15-банддаги «Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш» ҳамда «филиаллари» деган сўзлар тегишли равища «Транспорт назорати» ҳамда «бўлимлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БҮЙРУГИ

**191 Адвокат стажёри ва ёрдамчисининг фаолиятини ташкил  
этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил  
4 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3517*

Ўзбекистон Республикасининг «Адвокатура тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман:**

1. Адвокат стажёри ва ёрдамчисининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансан.
2. Айрим идоравий норматив-хукуқий ҳужжатлар 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсан.
3. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси билан келишилган.
4. Ушбу буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**А. ТАШКУЛОВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 3 июнь,  
10-мҳ-сон

*Келишиилди:*

*Адвокатлар палатаси раиси*

**Ш. САДИКОВ**

2024 йил 27 май

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 5 июнда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
адлия вазирининг 2024 йил 3 июнданги  
10-мҳ-сон бўйруғига  
1-ИЛОВА

**Адвокат стажёри ва ёрдамчисининг фаолиятини ташкил  
этиш тартиби тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Мазкур Низом адвокат стажёри (бундан буён матнда стажёр деб юритилиди) ва адвокат ёрдамчисининг (бундан буён матнда ёрдамчи деб юритилиди) фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Адвокат ёрдамчи ва стажёрга эга бўлиши мумкин.
2. Олий юридик маълумотга эга бўлган шахс адвокатнинг стажёри бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг юридик маълумотга эга бўлган фуқароси адвокат ёрдамчиси бўлиши мумкин.

3. Белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган, шунингдек судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахс стажёр ёки ёрдамчи бўлиши мумкин эмас.

4. Стажёр ва ёрдамчига нисбатан Адвокатнинг касб этикаси қоидалари ва адвокатлик сирини сақлашга доир талаблар татбиқ этилади.

5. Стажёр ва ёрдамчининг меҳнатига ҳақ тўлаш ва ижтимоий суғуртаси адвокатлик тузилмасига келиб тушган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

6. Стажёр ва ёрдамчи билан меҳнат шартномаси тузиш ва уни бекор қилиш Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига асосан амалга оширилади.

7. Стажёр ва ёрдамчи адвокатлик бюроси, адвокатлик фирмаси ва адвокатлар ҳайъатида фаолият юритган тақдирда унга адвокатлик тузилмаси томонидан, юридик маслаҳатхонада фаолият юритган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг худудий бошқармаси (бундан буён матнда худудий бошқарма деб юритилиди) томонидан гувоҳнома берилади.

Бунда, стажёр ёки ёрдамчи билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда гувоҳнома адвокатлик тузилмасига (худудий бошқармага) қайтарилиши керак.

8. Адвокатлик тузилмаси (худудий бошқарма) раҳбари томонидан стажёр ёки ёрдамчи билан меҳнат шартномаси тузилганини улар расмийлаштирилган кундан эътиборан беш иш куни ичидаги «Юридик ёрдам» ахборот тизимида киритилади.

9. Стажёр ва ёрдамчи адвокатлик фаолияти билан мустақил равишда шуғуланишга ҳақли эмас.

## 2-боб. Стажировкани ташкил этиш

10. Стажёр томонидан адвокат мақомига эга бўлишга тайёрланиш ва унинг касбий билимларини ҳамда кўнимкамаларини ҳосил қилиш стажировканинг асосий вазифасидир.

11. Стажировка адвокатлик тузилмасида ўталади.

12. Камида уч ўйллик иш стажига эга бўлган адвокат стажёрга, стажировка ўташ даврида раҳбарлик қилиши мумкин.

13. Адвокат мақомига эга бўлишга талабгор шахс (бундан буён матнда талабгор деб юритилади) стажировкани қайси адвокатлик тузилмасида ўташ ниятида бўлса, ўша адвокатлик тузилмасига ариза билан мурожаат қиласди. Талабгор стажировкани юридик маслаҳатхонада ўташ учун тегишли ҳудудий бошқармага ариза билан мурожаат қиласди.

Бунда, ушбу аризага қўйидаги хужжатлар илова қилинади:

Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортининг (идентификацияловчи ID-картаси) нусхаси;

олий юридик маълумот тўғрисидаги диплом нусхаси;

судланмаганлик (ёки судланганлик) тўғрисида маълумотнома;

охирги иш жойи бўйича тасдиқланган қофоз шаклидаги меҳнат дафтар-часини ёки электрон меҳнат дафтарчасидан кўчирмани, бундан биринчи марта ишга кираётган шахслар мустасно. Ўриндошлиқ асосида ишга кираётган шахслар меҳнат дафтарчасининг ўрнига асосий иш жойидан олинган белгиланган намунадаги маълумотномани тақдим этади.

14. Талабгорнинг аризаси келиб тушган кундан эътиборан беш иш куни муддатда адвокатлик тузилмаси (ҳудудий бошқарма) мазкур Низомнинг 13-бандига асосан тақдим этилган хужжатларни ўрганиб чиқади.

15. Талабгорнинг аризасини ўрганиб чиқиш натижаларига кўра адвокатлик тузилмаси (ҳудудий бошқарма) талабгорни сухбатга чақириш ёки сухбатга чақиришни рад этиш хақида қарор қиласди ва шу куни бу хақда талабгорни хабардор қиласди.

16. Адвокатлик тузилмаси (ҳудудий бошқарма) раҳбари томонидан стажёр билан ўтказилган сухбат натижаларига кўра стажёрни ишга қабул қилиш ёки ишга қабул қилишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

17. Стажёрни ишга қабул қилиш адвокатлик тузилмаси (ҳудудий бошқарма) раҳбарининг буйруғи билан амалга оширилади. Буйруқ чиқариш учун стажёр билан тузилган меҳнат шартномаси асос бўлади.

Бунда, ушбу буйруқ билан стажёрга стажировка раҳбари тайинланади.

18. Стажировка камиде уч ой давом этади. Стажировканинг энг кўп муддати икки ўйлайдир.

Узоқ муддат (вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик, ҳомиладорлик ва туғиши таътиллари, бола парваришилаш таътиллари, ишдан ажралган ҳолда малака ошириш, стажировка раҳбарининг лицензиясининг амал қилиши тўхтатиб турилиши ёки тугатилиши каби ҳолатларда) ишда бўлмаган вақт стажировка муддатига қўшилмайди.

19. Стажировка раҳбарининг адвокатлик мақоми, адвокатлик фаолияти

учун лицензиясининг амал қилиши тўхтатиб турилиши ёки тугатилиши сабабли стажировканинг маълум муддати ўталмай қолган тақдирда, стажёрнинг танловига кўра стажировка ана шу даврга узайтирилиши ёки стажёр бошқа адвокатлик тузилмасида ёки бошқа адвокат раҳбарлигида стажировкани давом эттириши мумкин.

20. Стажировка ўташи устидан назоратни стажировка раҳбари амалга оширади.

Стажировка раҳбари:

стажёр томонидан аниқ ишлар бўйича қонунчилик, жумладан адвокатурага оид қонунчилик ҳужжатлари ва суд амалиёти ўрганилиши;

стажёрнинг касбий тайёргарлик бўйича машғулотларда иштирок этиши;

стажёрнинг стажировка ўташи тўғрисида ўз вақтида ва тўлиқ хисобот бериши устидан назорат қиласи.

21. Стажировка даврида стажёр адвокатлик фаолиятининг барча йўналишларидаги соҳаларда касбий билимлар ва кўникмаларга эга бўлиши керак.

Бунда, стажировка раҳбари стажёрни Адвокатнинг касб этикаси қоидалари билан танишириши, стажёрга зарур маслаҳатлар ва тушунтиришлар бериши, ўрганиш учун зарур бўлган қонунчилик ҳужжатлари ва суд амалиётини тавсия қилиши шарт.

22. Стажёр стажировкани ўташ даврида қўйидаги хуқуқларга эга:

Адвокатлар палатаси ва адвокатлик тузилмаси томонидан ташкил этиладиган амалий машғулотларда ва семинар-тренингларда иштирок этиш;

адвокатлик тузилмасида мавжуд бўлган ҳуқуқий маълумотлар базаларидан, махсус адабиётлардан фойдаланиш;

стажировка раҳбари томонидан берилган топшириқларни бажариш учун зарур бўлган ҳужжат ва бошқа материалларни тўплаш;

хуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини тайёрлаш;

стажировка раҳбари билан биргаликда тегишли суд ёки терговчининг рухсати билан суд мажлисларида, тергов ҳаракатларида қатнашиш.

23. Стажёр стажировкани ўташ даврида қўйидаги мажбуриятларни баҳаради:

стажировка раҳбарининг топшириқларини вижданан, ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда бажариш;

адвокатлик сирини сақлаш;

адвокатура тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талаблари ва Адвокатнинг касб этикаси қоидаларига риоя қилиш;

адвокатлик тузилмасининг меҳнат интизомига риоя этиш.

24. Стажировка муддати тугаганидан кейин стажировка раҳбари стажёрга тавсифнома тузади, унда унинг тайёргарлик даражаси, стажировка давомида у томонидан касбга доир олинган амалий ва назарий билимлари ҳамда кўникмалари, стажировка раҳбарининг топшириқларини бажаришда фаоллиги, шунингдек стажёрни малака имтиҳонини топширишга кириши тўғрисидаги тавсияси акс эттирилган бўлиши керак.

Стажёрга тавсифнома адвокатлик тузилмаси раҳбарининг (худудий бошкарма) имзоси ва тузилманинг муҳри билан тасдиқланади.

### **3-боб. Ёрдамчи ишини ташкил этиш**

25. Ёрдамчини адвокатлик бюроси, адвокатлик фирмаси ёки адвокатлар хайъатига ишга қабул қилиш адвокатлик тузилмаси раҳбари томонидан, юридик маслаҳатхонага ишга қабул қилиш худудий бошқарма раҳбарининг буйруғи билан амалга оширилади.

Бунда, ушбу буйруқ билан ёрдамчига мутасадди-адвокат тайинланади.

26. Ёрдамчининг меҳнат шароитлари қонун хужжатларида белгиланган тартибда тузиладиган меҳнат шартномаси билан белгиланади.

27. Айни бир шахс бир вақтнинг ўзида битта адвокатлик тузилмасида адвокатлик фаолиятини амалга ошираётган бир неча мутасадди-адвокатларнинг ёрдамчиси бўлиши мумкин, бу ҳол ёрдамчини ишга қабул қилиш тўғрисида ги буйруқда ва меҳнат шартномасининг шартларида акс эттирилиши керак.

28. Ёрдамчининг терговга қадар текширувни амалга оширувчи органларда, суриштирув, дастлабки тергов органларида, судларда ҳамда бошқа давлат органларида ишларни юритишига йўл қўйилмайди.

29. Ёрдамчи мутасадди-адвокат кўрсатмасига асосан мутасадди-адвокатнинг иш юритувидаги ишлар бўйича мутасадди-адвокатнинг процессуал ваколатларига таалкуқларидан ташқари топшириқларни бажаради.

30. Ёрдамчи мутасадди-адвокатнинг топшириғига биноан:

хукукий хужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади ёки уларнинг ишлаб чиқилишида иштирок этади;

сўровлар, илтимосномалар, аризалар ва мутасадди-адвокатнинг адвокатлик фаолияти учун зарур бўлган бошқа хужжатларнинг тайёрланишида иштирок этади;

суриштирув, дастлабки тергов органларига, судларга ҳамда бошқа давлат органлари ва ташкилотларига бериб юбориш учун материаллар тайёрлайди;

мутасадди-адвокатнинг юритувида бўлган ва тугалланган юридик ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ ишларнинг ҳисобга олинишини амалга оширади;

мутасадди-адвокат томонидан адвокатлик фаолиятини амалга оширилиши билан боғлиқ бошқа топшириқларни бажаради.

31. Ёрдамчи қўйидаги хукуқларга эга ҳисобланади:

адвокатлик тузилмасининг ишида иштирок этиш;

Адвокатлар палатаси ва унинг худудий бошқармалари ҳамда адвокатлик тузилмаси томонидан ташкил этиладиган амалий машғулотларда ва семинар-тренингларда иштирок этиш;

адвокатлик тузилмасида мавжуд бўлган хукукий маълумотлар базаларидан, маҳсус адабиётлардан фойдаланиш;

мутасадди-адвокат билан биргаликда тегишли суд ёки терговчининг рухсати билан суд мажлисларида, тергов ҳаракатларида қатнашиш.

32. Ёрдамчи қўйидаги мажбуриятларни бажаради:

мутасадди-адвокатнинг топшириқларини вижданон, ўз вақтида ва тўлиқ хажмда бажариш;

белгиланган тартибда бажарган ишлари тўғрисида мутасадди-адвокатга ҳисобот тақдим этиш;

ўз касбий билимлари ва кўникмаларини доимий равишда ошириб бориш; адвокатлик сирини сақлаш; адвокатура тўғрисидаги қонунчилик хужжатлари талаблари ва Адвокатнинг касб этикаси қоидаларига риоя қилиш; адвокатлик тузилмасининг меҳнат интизомига риоя этиш.

#### **4-боб. Якунловчи қоида**

33. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

Ўзбекистон Республикаси  
адлия вазирининг 2024 йил 3 июнданги  
10-мҳ-сон буйруғига  
2-ИЛОВА

### **Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий норматив-хуқуқий хужжатлар РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2009 йил 27 мартағи 79-мҳ-сон «Адвокат стажёрининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1928, 2009 йил 27 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2009 й., 13-сон, 152-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 6 январдаги 8-мҳ-сон «Адвокат стажёрининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 5-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1928-1, 2018 йил 6 январь) (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.01.2018 й., 10/18/1928-1/0520-сон).

3. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 12 декабрдағи 549-мҳ-сон «Адвокат стажёрининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 13-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1928-2, 2018 йил 12 декабрь) (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.12.2018 й., 10/18/1928-2/2305-сон).

4. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2009 йил 27 мартағи 80-мҳ-сон «Адвокат ёрдамчисининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1929, 2009 йил 27 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2009 й., 13-сон, 153-модда).

5. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 1 июлдағи 273-мҳ-сон «Адвокат ёрдамчисининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 11-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1929-1, 2019 йил 1 июль) (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.07.2019 й., 10/19/1929-1/3350-сон).

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QISHLOQ XO'JALIGI VAZIRINING  
BUYRUG'I

**192** *Qishloq xo'jalik korxonalarining oila (jamoa) pudratlarida va boshqa ichki xo'jalik bo'linmalarida chek daftarchalaridan foydalanish tartibi to'g'risidagi nizomni o'z kuchini yo'qotgan deb topish haqida\**

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil  
5-iyunda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 985-1*

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 8-avgustdag'i PF-5505-son "Norma ijodkorligi faoliyatini takomillashtirish konsepsiyasini tasdiqlash to'g'risida"gi Farmoni hamda O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2021-yil 22-fevraldagi 87-sun "O'zbekiston Respublikasi Hukumatining o'z ahamiyatini yo'qotgan ayrim qarorlarini o'z kuchini yo'qotgan deb hisoblash to'g'risida (O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "O'z ahamiyatini yo'qotgan qonunchilik hujjatlarini qayta ko'rib chiqish tizimini joriy etish orqali mamlakatda ishbilarmonlik muhitini yaxshilash chora-tadbirlari to'g'risida" 2020-yil 27-sentabrdagi PF-6075-sun Farmoni)"gi qaroriga muvofiq **buyuraman**:

1. O'zbekiston Respublikasi qishloq va suv xo'jaligi vaziri tomonidan 2000-yil 18-oktabrda 32-4-176-sun bilan tasdiqlangan Qishloq xo'jalik korxonalarining oila (jamoa) pudratlarida va boshqa ichki xo'jalik bo'linmalarida chek daftarchalaridan foydalanish tartibi to'g'risidagi nizomni (ro'yxat raqami 985, 2000-yil 25-noyabr) (O'zbekiston Respublikasi vazirliklari, davlat qo'mitalari va idoralarining me'yoriy hujjatlari axborotnomasi, 2000-y., 22-sun) o'z kuchini yo'qotgan deb topilsin.

2. Mazkur buyruq O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi hamda O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Statistika agentligi bilan kelishilgan.

3. Mazkur buyruq rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

**Vazir**

**I. ABDURAHMONOV**

Toshkent sh.,  
2024-yil 17-may,  
11-sun

*Kelishildi:*

*Iqtisodiyot va moliya vaziri*

**D. KUCHKAROV**

2024-yil 16-may

*Statistika agentligi direktori*

**B. BEGALOV**

2024-yil 25-aprel

---

\* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2024-yil 7-iyunda e'lon qilingan.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР МИЛЛИЙ  
АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ  
БҮЙРУФИ

**193**

**Қимматли қофозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қофозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар қиритиш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил  
7 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2000-10*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 2 сентябрдаги ПҚ-291-сон «Капитал бозорини ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофик **буюраман**:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси хузуридаги Қимматли қофозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2009 йил 16 июлдаги 2009-40-сон бўйруғи (рўйхат рақами 2000, 2009 йил 30 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2009 й., 36-сон, 394-модда) билан тасдиқланган Қимматли қофозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қофозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидаларига иловага мувофик ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур бўйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Директор****Д. ЛИ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 6 июнь,  
5-сон

---

\* Ушбу бўйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 10 июнда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
истиқболли лойиҳалар миллый агентлиги  
директорининг 2024 йил 6 июндаги  
5-сон бўйргуғига  
ИЛОВА

**Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли  
қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш  
қоидаларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 1-банднинг тўққизинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:  
**«рўйхатдан ўтказувчи орган** — Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллый агентлиги;».

2. 29-банда:

еттинчи хатбоши «Облигацияларнинг қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа турларини» деган сўзлардан кейин «, шу жумладан, яшил иқтисодиётни ривожлантиришга қаратилган лойиҳалар учун корпоратив облигацияларни (кейинги ўринларда — яшил корпоратив облигациялар)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

қўйидаги мазмундаги саккизинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Яшил корпоратив облигацияларни чиқариш ва муомаласи бўйича услубий қўлланма қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланган тартибда тасдиқланади.»

3. 44-банд қўйидаги мазмундаги «и» ва «к» кичик бандлар билан тўлдирилсин:

«и) Халқаро капитал бозорлари ассоциацияси (ICMA) томонидан ваколат берилган ёки Иқлим облигациялари ташабbusи (CBI) томонидан тасдиқланган ёхуд Европа қимматли қоғозлар ва бозорлар бошқармаси (ESMA) томонидан рўйхатдан ўтган ихтисослаштирилган ташкилотлардан асос дастури бўйича яшил стандартларга мувофиқлик сертификатини олганлик тўғрисидаги хулоса нусхаси, шунингдек яшил облигацияларни чиқариш учун асос дастури (яшил корпоратив облигациялар учун);

к) корпоратив облигацияларни жойлаштиришдан тушган маблағлардан фойдаланиш мақсади ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси Миллый «яшил» таксономияси ва/ёки бошқа эквивалент таксономиялар талабларига мувофиқлиги бўйича эмитент раҳбари ва бош бухгалтерининг имзолари билан тасдиқланган маълумотнома (яшил корпоратив облигациялар учун).»

4. 1а-илова қўйидаги мазмундаги 16 — 18-бандлар билан тўлдирилсин:

«16. Облигацияларни жойлаштиришдан тушган маблағларни Миллый яшил таксономия ва/ёки бошқа эквивалент таксономиялар талабларига мувофиқ ишлатиш мақсади тўғрисида маълумот (яшил корпоратив облигациялар учун): \_\_\_\_\_

17. Миллий яшил таксономия ва/ёки бошқа эквивалент таксономиялар талаблари доирасида эришиладиган режалаштирилган натижалар (KPI) тўғрисида маълумот (яшил корпоратив облигациялар учун): \_\_\_\_\_

18. Яшил стандартларга мувофиқлик сертификатининг мавжудлиги, шу-

нингдек, бундай сертификатни берган ташкилот тўғрисидаги маълумотлар (яшил корпоратив облигациялар учун): \_\_\_\_\_.

5. 26-илова қуийдаги мазмундаги 20<sup>1</sup> — 20<sup>3</sup> бандлар билан тўлдирилсин: «20<sup>1</sup>. Облигацияларни жойлаштиришдан тушган маблағларни Миллий яшил таксономия ва/ёки бошқа эквивалент таксономиялар талабларига мувофиқ ишлатиш мақсади тўғрисида маълумот (яшил корпоратив облигациялар учун).

20<sup>2</sup>. Миллий яшил таксономия ва/ёки бошқа эквивалент таксономиялар талаблари доирасида эришиладиган режалаштирилган натижалар (KPI) тўғрисида маълумот (яшил корпоратив облигациялар учун).

20<sup>3</sup>. Яшил стандартларга мувофиқлик сертификатининг мавжудлиги, шунингдек, бундай сертификатни берган ташкилот тўғрисидаги маълумотлар (яшил корпоратив облигациялар учун).».

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRINING  
BUYRUG'I

**194** Imtiyozli toifaga kiruvchi shaxslarni elektron axborot tizimi orqali hisobga olish va navbat asosida davolanishga yo'llash tizimiga o'tkazilgan davlat tibbiyat muassasalarida davlat budjeti mablag'lari hisobidan davolanadigan kasalliklar ro'yxatiga qo'shimchalar kiritish to'g'risida\*

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil  
7-iyunda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3348-3*

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 28-iyuldag'i PQ-5199-son "Sog'liqni saqlash sohasida ixtisoslashtirilgan tibbiy yordam ko'rsatish tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi va 2023-yil 1-avgustdag'i PQ-255-son "Otorinolaringologiya xizmatini takomillashtirish va uning ko'lalmini kengaytirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarorlari muvofiq **buyuraman**:

1. O'zbekiston Respublikasi sog'liqni saqlash vazirining 2022-yil 17-yanvardagi 3-sun buyrug'i (ro'yxat raqami 3348, 2022-yil 9-fevral) (Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 09.02.2022-y., 10/22/3348/0126-sun) bilan tasdiqlangan Imtiyozli toifaga kiruvchi shaxslarni elektron axborot tizimi orqali hisobga olish va navbat asosida davolanishga yo'llash tizimiga o'tkazilgan davlat tibbiyat muassasalarida Davlat budjeti mablag'lari hisobidan davolanadigan kasalliklar ro'yxatiga ilovaga\*\* muvofiq qo'shimchalar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi bilan kelishilgan.

3. Mazkur buyruq rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

**Vazir**

**A. XUDAYAROV**

Toshkent sh.,  
2024-yil 29-may,  
15-sun

*Kelishildi:*

*Iqtisodiyot va moliya vaziri*

**D. KUCHKAROV**

2024-yil 23-may

\* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2024-yil 12-iyunda e'lon qilingan.

\*\* Ilova «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da e'lon qilingan

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг  
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг  
норматив-хукуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан  
ўтказиш ҳолати тўғрисида  
МАЪЛУМОТИ**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазирининг 2024 йил 6 майдаги 131-сон “Давлат ёнғин назорати органлари фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги буйруфи.

**2024 йил 3 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3097-8.**

2. O‘zbekiston Respublikasi energetika vazirining 2024-yil 16-maydag‘i 64-son “Reaktiv quvvat kompensatsiyasi bo‘yicha ishlarni tashkil etish tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi buyrug‘i.

**2024-yil 3-iyunda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 1864-3.**

3. O‘zbekiston Respublikasi Qurilish va uy-joy kommunal xo‘jaligi vazirligining 2024-yil 20-maydag‘i 5-son hamda Iqtisodiyot va moliya vazirligining 2024-yil 6-maydag‘i 119-son “Tuman (shahar) obodonlashtirish boshqarmalari xodimlarining me’yorlangan sonini belgilash to‘g‘risidagi yo‘riqnomani tasdiqlash haqida”gi qarorga o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi qarori.

**2024-yil 3-iyunda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 1989-3.**

4. Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирининг 2024 йил 16 майдаги 9-сон “Ўзбекистон Республикаси транспорт вазири томонидан қабул қилинган айрим идоравий норматив-хукуқий ҳужжатларга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги буйруфи.

**2024 йил 4 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3516.**

5. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2024 йил 3 июндаги 10-мҳ-сон “Адвокат стажёри ва ёрдамчисининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруфи.

**2024 йил 4 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3517.**

6. O‘zbekiston Respublikasi qishloq xo‘jaligi vazirining 2024-yil 17-maydag‘i 11-son “Qishloq xo‘jalik korxonalarining oila (jamoa) pudratlarida va boshqa ichki xo‘jalik bo‘linmalarida chek daftarchalaridan foydalanish tartibi to‘g‘risidagi nizomni o‘z kuchini yo‘qotgan deb topish haqida”gi buyrug‘i.

**2024-yil 5-iyunda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 985-1.**

7. Ўзбекистон Республикаси истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги директорининг 2024 йил 6 июндаги 5-сон “Қимматли қофозлар эмиссияси

ва эмиссиявий қимматли қофозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги буйруфи.

**2024 йил 7 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2000-10.**

8. O‘zbekiston Respublikasi sog‘liqni saqlash vazirining 2024-yil 29-maydag‘i 15-son “Imtiyozli toifaga kiruvchi shaxslarni elektron axborot tizimi orqali hisobga olish va navbat assosida davolanishga yo‘llash tizimiga o‘tkazilgan davlat tibbiyot muassasalarida Davlat budgeti mablag‘lari hisobidan davolanadigan kasalliklar ro‘yxatiga qo‘srimchalar kiritish to‘g‘risida”gi buyrug‘i.

**2024-yil 7-iyunda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3348-3.**

## **II. Давлат реестридан чиқарилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2009 йил 27 мартағи 79-мх-сон “Адвокат стажёрининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида”ги буйруфи (рўйхат рақами 1928, 2009 йил 27 март), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 1928-1, 2018 йил 6 январь), (рўйхат рақами 1928-2, 2018 йил 12 декабрь).

**2024 йил 4 июнда давлат реестридан чиқарилди.**

2. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2009 йил 27 мартағи 80-мх-сон “Адвокат ёрдамчисининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида”ги буйруфи (рўйхат рақами 1929, 2009 йил 27 март), шунингдек унга ўзгартириш (рўйхат рақами 1929-1, 2019 йил 1 июль).

**2024 йил 4 июнда давлат реестридан чиқарилди.**

3. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазири томонидан 2000 йил 18 октябрда 32-4-176-сон билан тасдиқланган Қишлоқ хўжалик корхоналари нинг оила (жамоа) пурратларида ва бошқа ички хўжалик бўлинмаларида чек дафтарчаларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни (рўйхат рақами 985, 2000 йил 25 ноябрь).

**2024 йил 5 июнда давлат реестридан чиқарилди.**

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-хуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

